

Journal of New Century Innovations

VOLUME
54
ISSUE-5



Journal of new century innovations

Exact and natural sciences



Pedagogical sciences

Social sciences and humanities

Engineering and Medical Sciences

ISSN (p): 2181-3671
ISSN (e): 2181-368X



Google Scholar



newjournal.org



**JOURNAL OF NEW CENTURY
INNOVATIONS**

VOLUME - 54 | ISSUE - 5

Iyun- 2024



THE ONE WHO KNOWS MORE LANGUAGES KNOWS THE FUTURE

Kholmirezayeva Sarvinoz Hayrullo qizi

A student of the 8th grade of the specialized school of Turakurgan district;

Ergasheva Iqbolkhan Khusanboyevna

QIUT Namangan branch English Edu 22- UB student

Annotation. This article is written by Sarvinoz, an 8th-grade student from Turakurgan, Namangan, who believes that knowing more languages is key to understanding the future. Inspired by her mother, an English language teacher, Sarvinoz explores the benefits of multilingualism, including expanded horizons, enhanced career opportunities, and cultural understanding. She discusses her personal journey with languages and the cognitive advantages of being multilingual. The article emphasizes the importance of languages in an interconnected world and highlights how multilingualism prepares individuals for future challenges.

Key words: multilingualism, future, languages, career opportunities, cultural understanding, cognitive benefits, global society, communication, personal growth, professional growth, empathy, interconnected world, Sarvinoz, Turakurgan, Namangan, English language teacher, learning languages, broaden horizons, cultural immersion, academic advantages, social cohesion

My name is Sarvinoz, an 8th-grade student from Turakurgan, Namangan. Growing up in a multilingual family, I've always been fascinated by the power of languages. My mother, an English language teacher, has instilled in me a love for languages and a belief in their importance. This belief has led me to understand a profound truth: the one who knows more languages knows the future. In this article, I will explore how multilingualism opens doors to opportunities, fosters cultural understanding, and shapes a brighter future.

The power of multilingualism. Languages are not just a means of communication; they are keys to different worlds. Each language carries its own unique culture, history, and way of thinking. By learning multiple languages, we gain access to these diverse perspectives, enriching our own understanding of the world. Multilingualism enhances cognitive abilities, improves memory, and fosters creativity.

In today's globalized world, knowing more than one language is an invaluable asset. It allows us to connect with people from different backgrounds, build international relationships, and navigate various cultural landscapes. Whether for personal growth or professional success, multilingualism is a powerful tool that equips us for the future.

Expanding horizons. Learning multiple languages broadens our horizons in numerous ways. It opens up access to a wealth of knowledge and resources that might

otherwise remain out of reach. For instance, many scientific papers, literary works, and historical documents are written in languages other than our native tongue. By understanding these languages, we can delve into these texts and gain insights that enrich our understanding.

Moreover, multilingualism allows us to travel more confidently and immerse ourselves in different cultures. When we speak the local language, we can connect more deeply with people, understand their customs, and appreciate their traditions. This cultural immersion fosters empathy and a broader worldview, which are essential qualities in an increasingly interconnected world.

Enhancing career opportunities. In the professional realm, knowing multiple languages is a significant advantage. Many multinational companies seek employees who can communicate effectively in different languages and navigate diverse markets. Multilingual individuals often have better job prospects, higher earning potential, and greater opportunities for career advancement.

For example, proficiency in English, the global lingua franca, opens doors to opportunities in international business, diplomacy, tourism, and education. Similarly, knowledge of other major languages like Mandarin, Spanish, or Arabic can provide a competitive edge in various industries. In an era of globalization, the ability to communicate across languages and cultures is a highly sought-after skill.

Fostering cultural understanding. Languages are deeply intertwined with culture. By learning a new language, we also learn about the cultural nuances, values, and traditions of the people who speak it. This cultural understanding fosters mutual respect and reduces prejudice and stereotypes. It enables us to build bridges between different communities and promote social cohesion.

In a world where conflicts often arise from misunderstandings and cultural differences, multilingualism can play a crucial role in fostering peace and harmony. It allows us to see the world through others' eyes, appreciate their perspectives, and find common ground. By embracing multilingualism, we contribute to a more inclusive and interconnected global society.

My personal journey with languages. Growing up, I was fortunate to be exposed to multiple languages. My mother, being an English language teacher, ensured that I developed proficiency in English from an early age. Additionally, our family speaks Uzbek at home, and I have also been learning Russian at school. This multilingual environment has significantly shaped my cognitive and social development.

My mother often emphasizes the importance of language learning and encourages me to explore new languages. She believes that each language we learn adds a new dimension to our personality and broadens our understanding of the world. Inspired by her, I have also started learning Spanish, and I plan to learn more languages in the future.

The cognitive benefits of multilingualism. Research has shown that

multilingualism offers numerous cognitive benefits. It enhances brain function, improves problem-solving skills, and delays the onset of cognitive decline in older age. Learning and switching between languages exercises the brain, making it more flexible and efficient.

For students like me, being multilingual has academic advantages as well. It improves our ability to concentrate, multitask, and understand complex concepts. These cognitive benefits extend beyond language learning and positively impact other areas of our lives, contributing to our overall academic and personal growth.

Embracing the future. As we look towards the future, it is clear that multilingualism will play an increasingly important role. The world is becoming more interconnected, and the ability to communicate across languages and cultures will be essential. By learning multiple languages, we prepare ourselves to navigate this complex and dynamic global landscape.

For me, the journey of learning languages is not just about acquiring new skills; it is about embracing the future. It is about equipping myself with the tools to understand, connect, and collaborate with people from different parts of the world. It is about expanding my horizons, enhancing my career prospects, and contributing to a more inclusive and harmonious global society.

Conclusion

In conclusion, the one who knows more languages knows the future. Multilingualism opens doors to opportunities, fosters cultural understanding, and shapes a brighter future. It enriches our cognitive abilities, broadens our horizons, and enhances our career prospects. As an 8th-grade student from Turakurgan, Namangan, I am inspired by my mother's belief in the power of languages. I am committed to learning multiple languages and embracing the future with open arms.

By becoming multilingual, we not only equip ourselves with valuable skills but also contribute to a more interconnected and harmonious world. Let us embrace the beauty of languages and the possibilities they offer. The future belongs to those who can communicate, understand, and connect across cultures. The future belongs to the multilingual.

References:

1. My mom is my inspiration;
2. My family is my motivator;
3. My teachers are my wealth.

SOYA- BEBAHO O'SIMLIK

¹ *Sh.K.Babadjanova*, *M.M.Jumaniyozova* ²¹*Urganch davlat universiteti dotsenti, shirinka_74@mail.ru*²*Urganch davlat universiteti, 4 bosqich talabasi,
jumaniyozovamehriniso@gmail.com*

Аннотация: В статье написано о несравненной роли сои в обеспечении продовольственной безопасности и улучшении состава почвы и повышении активности биологических процессов.

Аннотация: Maqolada soya oziq- ovqat havfsizligini ta'minlashda va tuproq tarkibini yaxshilab biologik jarayonlarni faolligini oshirishda o'rni beqiyosligi haqida yozilgan.

Annotation: The article writes about the incomparable role of soybeans in ensuring food security and improving the composition of the soil and increasing the activity of biological processes.

Ключевые слова: клубеньковые бактерия, биомасса, эффективность, плодородие

Kalit so'zlar: tugunak bakteriya, biomassa, samaradorlik, unumdorlik.

Key words: nodule bacteria, biomass, efficiency, fertility.

Respublikamizda barcha sohalarda yangilanish yo'lidan borib, aholini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, tuproq unumdorligini oshirish va yuqori hosil olishda agroekologik chora-tadbirlari ishlab chiqilib, muayyan ilmiy natijalarga erishilmoqda. viloyatning o'rtacha sho'rlangan tuproqlarida tabiiy, antropogen ekotizimlardan foydalanish ishlarida va soya navlarining yuqori hosil berishiga agroekologik omillarning ta'siriga qarab, ekologik toza xom-ashyo bilan ta'minlash va tuproq unumdorligini oshirish uchun eng maqbul navlar aniqlangan. Keyingi yillarda aholini oziq-ovqatga bo'lgan talabini qondirish maqsadida kuzgi bug'doydan bo'shagan maydonlarda takroriy ekin sifatida dukkakli don ekinlari yetishtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Oqsilga bo'lgan talab to'xtovsiz oshishi natijasida jahon bozorida uning bozori ortib bormoqda. Shuning uchun tarkibida oqsil miqdori ko'p bo'lgan dukkakli ekinlarni, jumladan, o'zida yuqori miqdorda oqsil saqlaydigan soya o'simligini ko'plab ekishga e'tibor qaratish zarur. Soya oziq-ovqat, yem-xashak va texnologik maqsadlarda keng yetishtiriladigan qimmatli o'simlik bo'lib, uning doni va tarkibida 35-45 % oqsil, 20-22% yog' va 25% gacha uglevodlar mavjud. Soya oqsilining eng muhim xususiyatlaridan biri uning doni tarkibidagi lizin aminokislotasining juda ko'pligi bo'lib, 100 gramm soya oqsilida 6 gramm lizin bor. Soya Fabaceae oilasiga, Glycine L avlodiga mansubdir. Soya oziq-ovqatda, texnika sanoatida va chorvachilikda

qimmatbaho xom-ashyo hisoblanadi. Hozirgi kunda soyadan 200 xildan ortiq har xil mahsulotlar ishlab chiqariladi va olinmoqda. Shu sababli soyani universal o'simlik deb ataydilar. Soya oqsili tarkibida inson va hayvonlar organizmi uchun zarur bo'lgan aminokislotalar mavjud. Soya urug'ida oqsil miqdori tovuq go'shtiga qaraganda 14 marta, mol go'shtiga qaraganda 3,5 marta ko'proqdir. Soya oqsilining tannarxi sut oqsilidan 25 marta, mol go'shti oqsilidan 50 marta arzon tushadi. – dukkakdoshlarga mansub bir yillik o'tsimon o'simlik bo'lib, dukkakli don va moyli ekin hisoblanadi. Vatani – Xitoy. Dastlab O'zbekistonda 1975-yildan ekilgan. Poyasi dag'al, tik o'sadi, ammo yotib qoladigan navlari ham bor. Bo'yi 15 sm dan 2 m gacha, shoxlanadi, yon shoxlari 2-8 ta. Bargi sertuk, bandining uzunligi 8-2 sm. Guli mayda, oq yoki pushti, shingil gulto'plamga yig'ilgan. Mevasi dukkak, sariq, qora, qo'ng'ir, sertuk. Har bir dukkagida 2-6 ta don bor, tarkibida 24-45% oqsil, 13-37% yog', 20-32% uglevodlar, vitaminlar bor.

Boshqa davlatlar qatori O'zbekistonda ham so'ngi yillarda soya o'simligini yetishtirishga katta ahamiyat qaratilmoqda. Masalan, soya ekinlari maydonini kengaytrish, tuproq-iqlim sharoitiga mos keluvchi, zararkunandalarga chidamli navlarni yaratish va uni yetishtirishni yanada takomillashtirish bo'yicha qator qarorlar qabul qilinmoqda. Bundan maqsad esa soyaning keng tarmoqda ishlatilishi hisoblanadi. Soya o'simligi dukkakdoshlar oilasiga mansub bo'lib, uning ildizida tugunak bakteriyalari yashaydi. Shuning uchun ham bu oilaga mansub o'simliklar azot birikmalari kam bo'lgan tuproqlarda ham yaxshi o'sadi. Bu o'simlikning tuproq unumdorligini pshirish borasidagi ahamiyati kata. Undan almashlab ekishda foydalanish yaxshi samara beradi.

Ma'lumot o'rnida aytish mumkin, bugungi kunda dunyoning ko'plab mamlakatlarida jami 122 mln gektarga yaqin maydonda soya yetishtirilmoqda. E'tiborlisi, soya o'simligini g'o'za qator orasiga mexanizatsiyalashtirilgan holda ekish mumkin. Shuning uchun ham o'simlikni yerga qadashdan oldin ekish seyalkalari va qator oralariga ishlov berish agregatlari moslashtiriladi. Bu esa bir paytda g'o'za va soyaning ekilishini, ulardan yuqori hosil olishni ta'minlaydi.

Soya o'simligi ko'pincha moyi uchun ekiladi. Yer yuzida ishlab chiqarilayotgan o'simlik moyining 40% ini soya moyi tashkil qiladi. Soya o'simligi oqsilga boy bo'lib, ko'pchilik davlatlarda soya oqsilning yagona manbasi bo'lib qolmoqda. Respublikamizning yog' zavodlarida soya donidan to'g'ridan-to'g'ri moy ajratib olinadi. O'zbekistonda soyadan oziq-ovqatda, chorvani boqishda va go'sht, moy, qandolat mahsulotlari ishlab chiqarishda foydalanilmoqda.



1- rasm. Tajriba dalasining ko'rinishi

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Yo'ldoshov.H.S."O'simlik mahsulotlarini yetishtirish texnologiyasi" Toshkent "Mehnat" 2001 yil.
2. Yormatova.D, Xushvaqtova X.S "Moyli ekinlar", Zarafshon,2001 yil.
3. Yo'ldoshov Z."Mustaqillik sharoitida qishloq xo'jaligini rivojlantirish" T-1996
4. Rakhimova X.M. Effect of abiotic factors on the biometric indicators of soybean varieties // British View.- 2021.- Volume 6, Issue 1.- P. ISSN 2041 – 3963 DOI 10.5281/zenodo.5067740, IF:8.52.

ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ИЗУЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

НОУ «Университет-Маъмуна»
Студент 3 курса - Абдиева Камола

Аннотация

В статье рассматривается ряд социально-психологических факторов, оказывающих влияние на изучение иностранных языков. Показано, что социально-психологическая зрелость группы актуализирует положительную мотивацию учения, устойчивость профессионального и личностного самоопределения иностранных студентов в условиях российского образования.

Annotation

The article examines a number of socio-psychological factors that influence the learning of foreign languages. It is shown that the socio-psychological maturity of the group actualizes the positive motivation of learning, the stability of professional and personal self-determination of foreign students in the conditions of Russian education.

Ключевые слова: социально-психологических факторы, изучение иностранных языков, социальная принадлежность, способность к языкам, когнитивный стиль.

Введение

Существует ряд социально-психологических факторов, влияющих на процесс обучения студентов технических вузов ИЯ. Одним из важнейших факторов является то, что коллективные виды учебной деятельности в обучении ИЯ занимают значительно большее место, чем в процессе преподавания многих других дисциплин. Совместная учебная деятельность студентов протекает, как правило, в таких организационных формах, которые решающим образом определяют их социальное и профессиональное становление.¹

XXI век – это время современных, продвинутых технологий. Это век, в котором стремительно развиваются международные связи, ежедневно происходят новые открытия в различных отраслях промышленности. Происходит процесс интеграции Российской Федерации в общеевропейское и мировое пространство, тесное сотрудничество с другими странами в научно-технической, экономической, образовательной и других сферах. Следовательно, у государства возникает потребность в компетентных, мобильных и конкурентоспособных специалистах. Ситуация на рынке труда диктует необходимость модернизации

¹ Абульханова К.А. О субъекте психической деятельности. Методологические проблемы психологии. М.: Наука, 1973. 288 с

системы высшего образования, а именно, усиления её профессиональной составляющей.² При этом особая роль отводится иностранному языку (ИЯ), владение которым на современном этапе является неотъемлемым атрибутом успешного специалиста. Конкурентоспособность современного выпускника технического вуза сегодня определяется не только уровнем знаний по фундаментальным дисциплинам, но и углубленным знанием ИЯ.

Основная часть.

Современная лингводидактика находится в постоянном поиске новых методов и технологий обучения иностранным языкам. Для того чтобы найти и использовать наиболее эффективные методики обучения, необходим анализ факторов, влияющих на изучение иностранных языков. Большинство исследователей-лингвистов выделяют следующие социально-психологические факторы, которые оказывают влияние на изучение иностранного языка: возраст, пол, социальную принадлежность, способность к языкам, когнитивный стиль, включающий умение обобщать понятия; зависимость и независимость суждения; отношение к иностранному языку и мотивацию; психологические характеристики личности учащегося, а именно, интроверсию/экстраверсию, эмпатию, умение рисковать.³ Многие из указанных факторов имеют различное толкование, но мы остановимся на некоторых характеристиках, наиболее часто выделяемых лингвистами и важных, на наш взгляд, социально-психологических факторах, которые должны учитываться при разработке и проведении эмпирических исследований по овладению иностранными языками и разработок в области методики их преподавания.

Необходимо рассмотреть факторы, обуславливающие успех реализации иноязычного сообщения, применительно к процессу обучения ИЯ. Это такие факторы, как:

- 1) целевая направленность сообщения: задача высказывания должна быть ясной, конкретной и посильной;
- 2) деловая направленность сообщения, выражающая степень группового контроля: сообщение должно быть ясно и, в идеале, интересно группе, а принятие целей сообщения всеми членами группы обеспечивает положительную реакцию автора высказывания;
- 3) межличностная направленность сообщения, раскрывающая внутренние эмоциональные отношения в группе;
- 4) элемент самоорганизации, т.е. способность группы самостоятельно организовывать совместную деятельность для достижения общегрупповых задач

² Гайдар К.М. Социально-психологическая концепция группового субъекта. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2013. 396 с.

³ Парыгин Б.Д. Социальная психология. Проблемы методологии, истории и теории. СПб.: ИГУП, 1999. 259 с.

по реализации иноязычного общения.

В качестве одного из важных методов обучения русскому языку важно развивать внимание, которое является одним из познавательных процессов, вносящих наибольший вклад в учебный процесс. Мы считаем, что главное правило концентрации внимания верно: «Где глаз, там и должно быть сосредоточено внимание». Потому что только в этом случае одновременно можно думать только об одном. Если одновременно приходит более одной идеи или мысли, то энергия человека обязательно перейдет на следующие идеи. Эти мысли или мысли направлены в прошлое или будущее, и только в настоящей ситуации, когда одна мысль или энергия мысли сохраняется, и в опытах обнаруживается, что она увеличивается, а не исчезает.⁴

Существует еще один немаловажный психологический фактор, влияющий не только на процесс обучения иностранному языку, но и на процесс обучения другим дисциплинам. Это студенческий возраст и его особенности. Этот возраст условно называют поздней юность или началом зрелости. Это возраст расцвета физического и умственного развития человека. Всю совокупность современных студентов по признаку отношения к образованию разделяют на три группы.

Первую группу составляют студенты, ориентированные на образование как на ценность и на профессию в процессе обучения в вузе.

Вторую группу составляют студенты, ориентированные на бизнес. Они не проявляют интереса к научным изысканиям и видят в образовании инструмент и средство для создания в будущем собственного дела.

Третью группу представляют студенты, которых можно назвать, «неопределившимися» и для которых проблема профессионального самоопределения еще не решена.

Заключение

В заключение следует отметить, что для успешного преподавания ИЯ в техническом вузе и повышения мотивации студентов к изучению ИЯ современным преподавателям необходимо учитывать все вышеперечисленные социально-психологические факторы при выборе методов подходов в преподавании ИЯ.

Психологическая поддержка студентов наиболее полно реализуется через актуализацию функций: стимулирования ответственного отношения к учебе; консультативной помощи в усвоении трудных разделов, тем; психоэмоциональной поддержки; обеспечения учебно-методическими

⁴ M.U.Babajanov. O'SMIRLARDA DIQQATNI RIVOJLANTIRISH KOGNITIV JARAYONLARNI SIFATLI SHAKLLANTIRISH OMILI SIFATIDA. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. 2022.02.06

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Rcp9SMEAAAJ&citation_for_view=Rcp9SMEAAAJ:UeHWp8X0CEIC

материалами. Оптимальная структура учебной мотивации и характер устойчивости профессионального выбора студентов определяются состоянием деловых, творческих, нравственных качеств группы и направленностью ее активности. Состояние социального самочувствия иностранных студентов, степень принятия отдаленных целей обучения опосредуется характером социальных установок индивидов на группу как субъект деловых, творческих, нравственных качеств и направленности активности.

Литература

1. Абульханова К.А. О субъекте психической деятельности. Методологические проблемы психологии. М.: Наука, 1973. 288 с.
2. Гайдар К.М. Социально-психологическая концепция группового субъекта. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2013. 396 с.
3. Парыгин Б.Д. Социальная психология. Проблемы методологии, истории и теории. СПб.: ИГУП, 1999. 259 с.
4. M.U.Babajanov. O‘SMIRLARDA DIQQATNI RIVOJLANTIRISH KOGNITIV JARAYONLARNI SIFATLI SHAKLLANTIRISH OMILI SIFATIDA. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. 2022.02.06
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Rcp9SMEAAAAJ&citation_for_view=Rcp9SMEAAAAJ:UeHWp8X0CEIC
5. Theo Van Els et.al. Applied linguistics and the learning and teaching of foreign languages. London: Edward Arnold, 1984. 214 p

**INTERNET-TIJORATDA ELEKTRON HUJJAT VA XABARLARGA
YURIDIK KUCH BERISHNING HUQUQIY MEXANIZMLARI**

M.T.Komilov

*Biznes huquqi fakulteti, magistrant.
Toshkent davlat yuridik universiteti,
Toshkent, O‘zbekiston.
mansurbekkomilov31dimi@gmail.com*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada elektron hujjat va xabarlarining huquqiy maqomi, yuridik kuchi, ularga yuridik kuch berish mexanizmlari, elektron imzoning ahamiyati va shu kabi boshqa masalalar bayon qilingan.

ANNOTATION

This article describes the legal status and legal force of electronic documents and messages, the mechanisms of giving them legal force, the importance of electronic signature and other similar issues.

Kalit so‘zlar: elektron hujjat, elektron xabar, elektron imzo, elektron kalit, zaruriy rekvizitlar, yuridik kuch.

1 | KIRISH

Bugungi kunda axborot texnologiyalar rivojlanib borar ekan, u orqali amalga oshirilayotgan turli faoliyatlar ham huquqiy jihatdan tartibga solinishni talab qiladi. Internet-tijorat sohasida ham bugungi kunda axborot texnologiyalaridagi yutuqlarni joriy etish orqali ancha yuqori darajaga erishdi deb bimalol ayta olamiz.

Elektron hujjatlar va elektron xabarlar internet tijoratning huquqiy asosini yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi, chunki aynan ular internet-tijoratda turli tranzaksiyalar amalga oshirilganligining dalili sifatida namoyon bo‘ladi.

Aytib o‘tganimizdek, har kuni yangi turdagi huquqiy munosabatlar vujudga kelayotgan dunyoda, elektron hujjat va xabarlarining ham yangi turlari kundan kunga ko‘payib bormoqda, bu esa o‘z navbatida ularning huquqiy maqomini, yuridik kuchini belgilab olishni, va aynan mana shu yuridik kuch beruvchi mexanizmlarni takomillashtirish va zamonga moslashni talab qiladi.

2 | ELEKTRON HUJJATLARNING QONUNCHILIK BELGILAB BERGAN SHAKLI ELEKTRON HUJJATGA YURIDIK KUCH BERISH MEXANIZMI SIFATIDA

Agar qog‘oz hujjatda maxsus rekvizitlar, shaxsning o‘z qo‘li bilan qo‘ygan imzosi yoki ba‘zan muhri bo‘lsa, biz uning yuridik kuchga ega ekanligini tushunib olamiz. Elektron hujjatlar esa asosan elektron hujjat aylanishida ularni Internet yoki boshqa

vositalar orqali elektron shaklda almashish orqali qo‘llaniladi. Ya’ni elektron hujjat aylanishi kontragentlar o‘rtasida amalga oshiriladigan turli operatsiyalar uchun hujjatlar va hisob-kitoblarni almashishni sezilarli darajada tezlashtiradi. Elektron tijoratda shartnomalar elektron hujjatlar va elektron xabarlar almashish orqali tuzilishini inobatga olsak, elektron hujjatning yuridik kuchini nima belgilab beradi degan savol yuzaga keladi.

Shuni inobatga olish kerakki, kompyuterda yaratilgan hujjatni yoki skanerlangan qog‘oz hujjatni qonuniy deb atashga hali erta va u yuridik kuchga ega bo‘lmasligi mumkin. Elektron hujjat yuridik kuchga ega bo‘lishi uchun qonun yoki taraflar o‘rtasida tuzilgan kelishuvga asosan ma’lum talablarga javob berishi lozim. Hujjatning yuridik kuchi – hujjatning asosiy elementlaridan biri bo‘lib, tadbirkorlik faoliyati yoki shaxsiy xarakterdagi voqealarni tasdiqlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Hujjatni yaratishda quyidagi zaruriy jihatlarga e’tibor berish lozim:

- uni tayyorlashda amaldagi qonunchilikka rioya qilish;
- faqat o‘z vakolatlari doirasidagi hujjatlarni ishlab chiqish, imzolash, yuborish va hokazo;

- ma’lum bir vaqtda amalda bo‘lgan hujjatlarni tayyorlash va rasmiylashtirishning milliy qoidalariga rioya qilish.

Shuningdek, amaliyotda har xil turdagi hujjatlar uchun yuridik kuch berishning turli mexanizmlari mavjud.

Ma’lumki, elektron hujjatlar ikki guruhga bo‘linadi: rasmiylashtirilgan va rasmiylashtirilmagan. Rasmiylashtirilgan elektron hujjatlarga hisob-fakturalar, hisobotlar, masofaviy xodim bilan tuzilgan mehnat shartnomasi va boshqa shu kabilarni kiritish mumkin. Rossiya qonunchiligiga asosan, rasmiylashtirilgan elektron hujjatlarga ularning davlat tomonidan tasdiqlangan formatga muvofiqligi (Rossiya Federal soliq xizmatining 25.01.2012-yildagi № MMV-7-6/25@ sonli buyrug‘i), hujjatlarni reglamentga muvofiq yuborish, topshirish va shuningdek, elektron imzo bilan tasdiqlanganligi yuridik kuch beradi.

Rasmiylashtirilmagan hujjatlar haqida gapiradigan bo‘lsak, unda boshqa barcha hujjatlar ushbu toifaga kiritilishi mumkin: shartnomalar, ishonchnomalar, xatlar va boshqalar. Ushbu hujjatlarning formati davlat tomonidan tartibga solinmaydi va ushbu hujjatlar belgilangan talablarga javob beradigan elektron imzo yordamida yoki ularni chop etish va shaxsan imzolash orqali yuridik kuchga ega bo‘lishi mumkin. Bundan tashqari elektron hujjat aylanishi ishtirokchilari elektron imzoning bunday turlarini o‘zaro tan olish to‘g‘risida alohida kelishuv tuzishlari lozim.

3 | ELEKTRON HUJJATLARNING ZARURIY REKVIZITLARI ELEKTRON HUJJATGA YURIDIK KUCH BERISH MEXANIZMI SIFATIDA

Hujjatlarning xususan, rasmiylashtirilgan hujjatlarning yuridik kuchi zarur rekvizitlarning mavjudligi bilan ta’minlanadi. Hujjatlarning ayrim turlari uchun

majburiy rekvizitlar quyidagilarni o‘z ichiga olishi mumkin: tashkilotning nomi – hujjat muallifi, korxon va tashkilotlarning milliy tasniflagichi bo‘yicha tashkilot kodi, hujjatning nomi, qonunchilik tarmoqlarining umumiy huquqiy tasniflagichiga muvofiq hujjatning yagona shakli kodi, sanasi, indeksi, matni, vizalar, mansabdor shaxslar imzosi, hujjatning ijrosi to‘g‘risida eslatma va hokazolar. Hujjatning turiga va uni tayyorlash tartibiga qarab, rekvizitlar boshqacha bo‘lishi ham mumkin. Ushbu rekvizitlar elektron hujjatning mazmuni bilan birgalikda taraflarga ba‘zi muhim ma‘lumotlarni, aynan, elektron hujjatning kimga va kimdan yuborilganligi haqidagi ma‘lumotni beradi. Ular hujjat tuzilganligini, uning mazmuni haqidagi ma‘lumotlar hujjat kimning nomidan va, aynan, uning xohishiga ko‘ra tuzilganligi, imzolanganligi va ommaviy muomalaga chiqarilganligini aniqlashda muhim ahamiyat kasb etadi; shuningdek, hujjatning o‘zi buzilmaganligi yoki uning mazmuni ruxsatsiz uchinchi shaxslar tomonidan o‘zgartirilmaganligini tasdiqlaydi. Masalan, hujjatning juda muhim rekviziti jismoniy yoki mansabdor shaxsning qo‘lyozma imzosi, yuridik shaxsning esa muhri hisoblanadi.

Amaliyotda juda ko‘p turli xil hujjatlar mavjud va ularning har biri bir qator umumiy rekvizitlar va ba‘zi bir maxsus rekvizitlar mavjudligi bilan tavsiflanadi. Ushbu rekvizitlar va ularning turlarini o‘rganish hujjatshunoslik fanining mavzusi hisoblanadi. Yuristlarni esa hujjatning yuridik kuchi va huquqiy ahamiyatini ta‘minlaydigan rekvizitlar qiziqtiradi. Bunday rekvizit, birinchi navbatda, imzodir. Imzo – bu hujjatni shaxsan tasdiqlovchi va imzolovchining hujjat mazmunida ko‘rsatilgan barcha narsalar bilan roziligini hamda uning javobgarligini tasdiqlovchi normativ hujjatlar, standartlar yoki ish odatlari talablariga muvofiq tashkil etilgan rekvizitdir. Imzo hujjatning eng muhim rekviziti bo‘lib, unga yuridik ahamiyat va kuch beradi (shakli va mazmuni qonun hujjatlarida belgilangan ayrim turdagi hujjatlar bundan mustasno, ularda imzo qo‘yish talab etilmaydi).

Hujjatda imzoning mavjudligi uni imzolagan shaxs hujjatning mazmuni bilan tanishganligini, ushbu mazmunga roziligini, uning haqiqiylikini qabul qilishini, uning mazmunidan kelib chiqadigan majburiyatlarni o‘z zimmasiga olishini va hujjatning mazmuni, uning haqiqiylik bilan bog‘liq harakatlar uchun javobgarligini anglatadi. Imzolangan hujjat deganda imzolovchini identifikatsiya qilish imkonini beruvchi, imzolovchining muallifligi yoki roziligi qayd etilgan hamda imzolovchining o‘z qo‘li bilan yozilgan belgilar kombinatsiyasining yozma shakli orqali tasdiqlangan hujjat tushuniladi. Yuridik imzolash protsedurasini amalga oshirishdan maqsad imzolovchining shaxsini tasdiqlashdir. Bunda imzolovchi tomon tegishli vakolatga ega, hujjatda qayd etilgan ma‘lumotlar ishonchli va hujjatdagi imzolanish fakti imzolovchining irodasini aks ettiradi deya taxmin qilinadi¹.

¹ С.И.Семилетов, Юридическое значение электронных документов, Работа выполнена при поддержке Российского фонда фундаментальных исследований – проект № 03-06-80184, 57 бет.

Imzoning aniqlanishi har bir shaxsning o‘ziga xosligi, uning xususiyatlari va farqlariga asoslanadi. Insonning qo‘lyozma imzosi, qo‘l yozuvi va yozish texnikasi barmoq izlari kabi har doim noyobdir. Shaxsning ushbu individual xususiyatlari hujjatni imzolashi kerak bo‘lgan shaxs uning mazmuni bilan tanishishini va o‘z xohish-irodasini bildirgan holda ushbu hujjatni o‘z qo‘li bilan imzolaganligini kafolatlaydi.

Agar elektron hujjat, umuman, an’anaviy hujjat talablariga javob beradi deya qarasa, yuqorida aytilgan fikrlarning barchasi uni taqdim etish shakllariga to‘liq mos keladi. Elektron hujjatning yuridik kuchi an’anaviy hujjatning yuridik kuchini belgilovchi bir xil talablar bilan belgilanadi, ya’ni: zarur rekvizitlarning mavjudligi va ularni bajarish uchun zarur huquqiy tartib-qoidalarning bajarilishi. Imzo – bu hujjatdagi shunday rekvizitki, usiz elektron hujjatga yuridik kuch berish juda muammoli. Lekin elektron hujjatning uni yaratish texnologiyasi bilan bog‘liq bo‘lgan o‘ziga xos xususiyatlari bor. Elektron hujjatning asosiy farqi shundaki, uning ichki yoki tashqi qismini qo‘l bilan shaxsan yozma ravishda imzolash mumkin emas.

4 | ELEKTRON IMZO ELEKTRON HUJJATGA YURIDIK KUCH BERISH MEXANIZMI SIFATIDA

Elektron hujjatning yuridik kuchi faqat taraflar (yoki elektron hujjat aylanmasi ishtirokchilari) tomonidan tan olingan, O‘zbekiston Respublikasi qonunlari bilan tartibga solingan maxsus protsedurani amalga oshirish orqali ta’minlanishi mumkin. Masalan, mana shunday prodseduralardan biri qo‘lda yozilgan imzoning analogi sifatida foydalaniladigan elektron imzodan foydalanishdir. Bunda, elektron hujjatning yuridik kuchini ta’minlash elektron imzoni yaratish texnologiyasi va imzolash usuli bilan belgilanadi. A.P. Kuriloning qayd etishicha, “elektron hujjat, an’anaviy qog‘oz hujjat kabi, quyidagi shartlar bajarilgan taqdirda tegishli huquqiy maqomga ega bo‘lishi mumkin: tegishli tashuvchida qayd etilgan axborot mazmunining o‘zgarmasligi kafolatlari; hujjat matnini qonun yoki standartda belgilangan talablarga muvofiq ishlab chiqish; hujjatda ro‘yxati qonun yoki standartlar bilan belgilangan zarur rekvizitlarni aks ettirish”². Shu bilan birga, u elektron hujjatga yuridik kuchni elektron raqamli imzoni o‘rnatishning texnik jarayoni emas, balki elektron raqamli imzodan foydalanishning yuridik prodsedurasi berishini, lekin bunda texnik jarayonning ahamiyatiga past deb qarash kerak emasligini ta’kidlagan. Haqiqatan ham, agar elektron hujjatni elektron raqamli imzo bilan ta’minlashni texnik jarayon deb olib, ushbu jarayon elektron hujjatlarga yuridik kuch beradi deb hisoblasak, hujjatdagi boshqa rekvizitlar (kim tomonidan yuborilganligi, kimga yuborilganligi)ning mavjud bo‘lmasligi elektron hujjatning yuridik kuchini tan olinmasligiga sabab bo‘lishi mumkin. Masalan, da’vo arizasi sudga elektron shaklda yuborilganida unga elektron raqamli imzo qo‘yilgan, lekin bu imzo vakolatsiz shaxs tomonidan qo‘yilgan bo‘lsa, da’vo arizasi sud tomonidan

² Курило А.П. О правовом режиме электронного документа в системе межбанковских расчетов // Проблемы информатизации. – М., 1999. – № 3. – 78 бет.

qaytarilishiga va uning yuridik kuchi tan olinmasligiga sabab bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasining “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi Qonuni 16-moddasi elektron tijoratda shartnoma tuzish uchun tayyorlangan oferta elektron hujjat tarzida shakllantirilganda unda zaruriy rekvizitlar sifatida quyidagilarni ko‘rsatadi:

ofertani yuborgan shaxsning nomini (o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarning familiyasini, ismini, otasining ismini);

ofertani yuborgan shaxsning pochta va elektron manzilini, telefon raqamini;

qonunchilikda nazarda tutilgan hollarda, litsenziyaning yoki ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatning mavjudligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni (litsenziyaning yoki ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatning raqamini, amal qilish muddatini, faoliyatning ayrim turlarini litsenziyalashni yoki ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatni berishni amalga oshiruvchi maxsus vakolatli organning nomini);

shartnomani tuzish tartibini, shuningdek akseptni yuborish va chaqirib olish tartibini;

shartnoma shartlarini kelishib olish chog‘ida unga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish imkoniyati hamda tartibini;

tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berish va ularga haq to‘lash shartlarini, shuningdek ular uchun taklif etilayotgan narxlarni (tariflarni);

hamma foydalanishi mumkin bo‘lgan axborot resursida joylashtirilgan elektron hujjatga havola qilish yo‘li bilan shartnomaga kiritiladigan shartlarga doir ko‘rsatmalar.

Ushbu rekvizit va talablarning bo‘lmasligi elektron hujjatning yuridik kuchi tan olinmasligiga sabab bo‘ladi.

Elektron hujjatlarga yuridik kuch berish mexanizmlardan yana biri ularni elektron raqamli imzo bilan ta‘minlash hisoblanadi.

Elektron raqamli imzo — elektron hujjatdagi mazkur elektron hujjat axborotini elektron raqamli imzoning yopiq kalitidan foydalangan holda maxsus o‘zgarishlar natijasida hosil qilingan hamda elektron raqamli imzoning ochiq kaliti yordamida elektron hujjatdagi axborotda xatolik mavjud emasligini aniqlash va elektron raqamli imzo kalitining egasini identifikatsiya qilish imkonini beradigan imzo³. Ushbu mexanizm oddiy muhr (yuridik shaxsda) yoki qo‘lda qo‘yilgan imzoning analogi sifatida ishlatiladi. Elektron raqamli imzo elektron hujjatni qabul qilib oluvchiga ushbu hujjatning manbasi va yaxlitligini tekshirish hamda shu bilan birga qalbakilashtirishdan himoya qilish imkonini beradi.

Elektron hujjat va elektron xabar qog‘ozdagi o‘z qo‘li bilan imzolangan hujjatga tenglashtiriladi⁴. Elektron hujjat aylanmasida elektron hujjat va xabar tegishli yuridik

³ O‘zbekiston Respublikasining “Elektron raqamli imzo to‘g‘risida”gi Qonuni, 12.10.2022-yil, Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.10.2022-y., 03/22/793/0918-son, 3-modda.

⁴ Vazirlar Mahkamasining “Elektron tijoratda bitimlarni amalga oshirish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 185-sonli qarori, 02.06.2016-yil, Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 22.01.2024-y., 09/24/39/0058-son, 40-band.

kuchga egaligini aniqlash uchun uni qabul qilib olgan taraf uning jo'natuvchiga tegishlilik holatini tasdiqlashni talab qilish huquqiga egadir.

O'zbekiston qonunchiligi bir necha qonun va qonunosti hujjatlarida elektron hujjatga turlicha ta'rif berib, uning yuridik kuchini belgilab bergan. O'zbekiston Respublikasining "Elektron hujjat aylanishi to'g'risida"gi Qonuni 7-moddasiga asosan elektron hujjat qog'oz hujjatga tenglashtiriladi va u bilan bir xil yuridik kuchga ega bo'ladi. O'zbekiston Respublikasining "Elektron tijorat to'g'risida"gi Qonuni 15-moddasiga asosan esa elektron tijoratdagi elektron hujjatlar, shuningdek elektron shaklda qayd etilgan, o'z yuboruvchisini identifikatsiya qilish imkonini beradigan axborot (bundan buyon matnda elektron xabarlar deb yuritiladi) qog'ozda rasmiylashtirilgan va o'z qo'li bilan imzolangan hujjatlarga tenglashtiriladi hamda ulardan shartnoma tuzilganligining dalili sifatida foydalanilishi mumkin.

Elektron raqamli imzo, zaruriy rekvizitlar va boshqa shu kabi elektron hujjatga yuridik kuch beruvchi mexanizmlar mavjud bo'lmasin, agar qonunchilik ushbu turdagi hujjatlarni elektron shaklda taqdim etishni taqiqlasa, ushbu hujjatning elektron shaklda tuzilganligi yuridik kuchga ega bo'lmaydi. Masalan, Germaniya qonunchiligiga asosan vasiyatnoma, tilxat kabi hujjatlar elektron shaklda taqdim etilishi mumkin emas. Demak, ushbu hujjatlar elektron shaklda taqdim etilgan taqdirda elektron raqamli imzo bilan tasdiqlansa ham yuridik kuchga ega bo'lmaydi.

"Axborotlashtirish to'g'risidagi" qonun esa elektron hujjatga "Elektron tijorat to'g'risida"gi qonun va "Elektron hujjat aylanishi to'g'risida"gi qonundan boshqacharoq ta'rif berib, uning yuridik kuchini ham belgilab bergan. Ya'ni "axborot resurslarida saqlanadigan va ishlov beriladigan, elektron raqamli imzo bilan tasdiqlangan axborot elektron hujjat bo'lib, qog'oz hujjat bilan bir xil yuridik kuchga ega"⁵.

5 | XULOSA

Elektron raqamli imzo elektron hujjatning yuridik kuchini va uning axborot tizimiga kiritilgan asl nusxasining ham, axborotga ishlov berish natijasida telekommunikatsiya kanallari orqali yoki elektron ma'lumotlar bazasidan qidirish natijasi sifatida olingan har qanday nusxasining ham elektron shakldagi haqiqiylikini tasdiqlaydi. Hujjatdagi elektron raqamli imzo tegishli mansabdor shaxs tomonidan imzo ko'rinishida elektron shaklda, xuddi qog'oz shakldagi hujjatga yozma imzo kiritgandek qo'yiladi (aniqrog'i shakllantiriladi). Hujjatga elektron shaklda qo'yilgan elektron raqamli imzo elektron hujjatning qog'ozda tayyorlash imkoniyatini istisno etmaydi va bu qog'oz hujjat ham belgilangan tartibda tegishli mansabdor tomonidan o'z qo'li bilan yozma ravishda imzolanganida yuridik kuchga ega bo'ladi.

Elektron hujjatlarning yuridik kuchi turli xorijiy davlatlarda ham o'ziga yarasha

⁵ O'zbekiston Respublikasining "Axborotlashtirish to'g'risida"gi Qonuni, 11.12.2003-yil, Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son, 8-modda.

yoʻlni bosib oʻtganidan soʻng tan olingan. Maʼlumki, qonun har doim ham rivojlanish bilan bir xil tezlikda harakatlanavermaydi, shu sababli koʻpincha avval yangi turdagi huquqiy munosabatlar paydo boʻladi va keyinchalik ular qonunchilik tomonidan tan olinadi. Masalan, AQSh ni oladigan boʻlsak, AQSh da anglo-sakson huquqiy tizimiga amal qilinadi, shuning uchun ham biror huquqiy munosabatani tartibga soluvchi normalar sud precedentlari orqali yaratiladi. Elektron hujjatlarning yuridik kuchi bilan bogʻliq masala AQSh da 1973-yilda sudlar tomonidan tan olindi. "... Hech bir sud zamonaviy tadbirkorlik turli funksiyalarni bajarish uchun kompyuterlarga qanchalik bogʻliqligini payqamay qolishi mumkin emas. Ehtimol, kompyuterning eng katta foydasi... uning tanlab olish asosida tezda olinishi mumkin boʻlgan katta hajmdagi maʼlumotlarni saqlash qobiliyatidir. Toʻgʻri ishlaydigan kompyuter uskunalari ishlatilgan deb faraz qilsak, kompyuterga kiritilgan maʼlumotlarning ishonchliligi va asosliligi aniqlangandan soʻng, kiritilgan maʼlumotlar qamrab olgan kompyuter chopetilmalarini tranzaksiyalarning dalili sifatida olish kerak"⁶, – deyiladi elektron hujjatlarning yuridik kuchini tan olishga qaratilgan birinchi sud qarorida.

5 | FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Oʻzbekiston Respublikasining “Elektron raqamli imzo toʻgʻrisida”gi Qonuni, 12.10.2022-yil, Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 13.10.2022-y., 03/22/793/0918-son;
2. Oʻzbekiston Respublikasining “Axborotlashtirish toʻgʻrisida”gi Qonuni, 11.12.2003-yil, Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son;
3. Vazirlar Mahkamasining “Elektron tijoratda bitimlarni amalga oshirish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi 185-sonli qarori, 02.06.2016-yil, Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 22.01.2024-y., 09/24/39/0058-son;
4. С.И.Семилетов, Юридическое значение электронных документов, Работа выполнена при поддержке Российского фонда фундаментальных исследований – проект № 03-06-80184;
5. Курило А.П. О правовом режиме электронного документа в системе межбанковских расчетов // Проблемы информатизации. – М., 1999. – № 3;

⁶ United States v. Russo, 480 F.2d 1228, 1239 (6th Cir. 1973).

**TABIY RESURSLARDAN FOYDALANISHDA
EKOLOGIYA FANINING AHAMIYATI**

Ergashev Husniddin Saydali o'g'li

“TIQXMMI” Milliy tadqiqot universitetining

Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti talabasi

h7858691@gmail.com

Telefon: +998 91 323 91 90

Annotatsiya: Inson hayoti va faoliyati davomida tabiatdan foydalanadigan barcha turdagi tabiat ne'matlariga tabiiy resurslar deyiladi. Tabiiy resurslardan oqilona foydalanish bugungi kundagi eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Ba'zida tabiiy resurslardan noto'g'ri foydalanish va qazib olish jarayonida ekologiyaga katta zarar yetadi. Ushbu maqolada tabiiy resurslardan oqilona foydalanishda ekologiya fanining ahamiyati, oqilona foydalanish usullari haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: ekologiya, inson faoliyati, tabiiy resurslar, yer, suv, mineral, tugaydigan va tugamaydigan resurslar, tabiatga ta'sir.

Abstract: Natural resources are all kinds of natural resources that people use during their life and activities. Rational use of natural resources is one of the most pressing issues today. Sometimes, in the process of improper use and extraction of natural resources, great damage is done to the environment. This article provides information about the importance of ecological science in the rational use of natural resources, and the methods of rational use.

Key words: ecology, human activity, natural resources, land, water, mineral, exhaustible and non-exhaustible resources, impact on nature

Kirish. Tabiat resurslari, tabiiy boyliklar — jamiyatning moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondirish, inson o'zining hayot faoliyati uchun tabiatdan oladigan va kelajakda olishi mumkin bo'lgan, xo'jalikda foydalaniladigan hamda insoniyatning yashashi uchun zarur bo'lgan, uni o'rab turgan tabiiy muhitning barcha tabiat komponentlari, energiya manbalari hisoblanadi. Tabiat resurslariga Quyosh energiyasi, Yerning ichki issiqligi, suv, yer, mineral boyliklar, foydali qazilmalar, o'simliklar, tuproqlar, hayvonot dunyosi kabilar kiradi. Tabiat resurslari tugaydigan (ko'pgina foydali qazilmalar), tugamaydigan (suv, havo, Quyosh nuri, Yerning ichki energiyasi) va tiklanadigan (biologik elementlar, ayrim foydali qazilmalar) resurslarga bo'linadi.

Tadqiqot materiallari. Tabiiy resurslardan oqilona foydalanishda ekologiya fanining ahamiyati katta hisoblanadi. Ekologiya tabiiy fan bo'lib, u organizmlarning bir-biri va tashqi muhit sharoiti bilan o'zaro munosabat qonuniyatlarini o'rganadigan fan hisoblanadi. Uning maqsadi- hozirgi va kelajak avlodlar uchun ekologik xavfsiz muhitni

ta'minlash, organizmlarning barqaror holatda ko'payishi, o'sishi va rivojlanishi uchun toza, sog'lom va qulay atrof tabiiy muhit holatini yaratishdan iborat. Yer osti qazilmalarini qazib olish jarayonida ham atrof – muhitga kata miqdorda jiddiy zarar yetkaziladi. Qazilma boyliklarini qazib olish, tashish, qayta ishlash vaqtida atrof-muhit ifloslanadi. Minglab industrial yerlar dashtlarga aylanadi. Suv, havo, tuproq, o'simlik va hayvonot olamiga zarar yetkaziladi. Tog'-kon sanoati korxonalari faoliyati natijasida har yili kon usti jinslari, flotatsion boyitish chiqitlari, turli xil shlaklar, klenkerlar hosil bo'ladi. Mineral xomashyolar ochiq (karyer) yoki yopiq (shaxta) usullarida qazib olinadi. Ochiq usulda qazib olingan tabiiy resurslardan ancha to'laroq foydalanish imkoniyati bo'lsa-da, ekologiyaga ko'rsatadigan ta'siri yuqori bo'ladi. Bularning hammasi ekologiya fani bilan chambarchas bog'liq/

Tadqiqot natijalari. Ekologiya fani tabiat resurslaridan oqilona foydalanishda va tabiatni muhofaza qilishda ilmiy asos bo'lib xizmat qiladi.

Ekologiya fani antropogen va turli tabiiy omillar ta'sirida tabiatdagi bog'lanishning buzilishi to'g'risida ma'lumot beradi. Ekologiya atamasi yunonchada “oikos”- uy, yashash joyi, yashash muhiti, “logos”- talimot degan ma'noni bildiradi. Ekologiya fanining vazifasiga esa quyidagilar kiradi:

— Hayotning tashkil topish qonuniyatlarini inson ta'sirini hisobga olgan holda o'rganish;

— Insonning xo'jalik faoliyati ta'sirida tabiatda ro'y beradigan o'zgarishlarni oldindan bilish;

— Biosferadagi kechayotgan jarayonlarni o'rganish, boshqarish, bashorat qilish, inson yashaydigan muhitni saqlab qolish;

— Buzilgan tabiiy tizimlarni tiklash; shu jumladan foydalanishdan chiqarilgan qishloq xo'jaligi ekin maydonlarini yana ishga solish (rekultivatsiya), yaylovlarning tuproq hosildorligini, suv havzalari va boshqa ekotizimlarning mahsuldorligini tiklash;

— Tabiiy, biologik resurslardan oqilona foydalanishning ilmiy asoslarini yaratish va boshqalar hisoblanadi.

Ekologiyada ishlab chiqarishda ishlatilishi bo'yicha tabiiy resurslar quyidagilarga bo'linadi:

- yer fondi – dunyo va mamlakat miqiyosidagi hamma yerlar, vazifasiga ko'ra quyidagi toifalarga bo'linadi: qishloq xo'jaligida, yashash punktlari, qishloq xo'jaligida emas (sanoat, transport, qazib olish sanoatida va h.k)

- o'rmon fondi - alohida muhofaza qilinadigan hududlarni tashkil qilish uchun o'rmonlar o'sadigan yoki o'sishi mumkin bo'lgan Sayyoramizning yer fondining bir qismi;

- suv resurslari - xo'jalikda xilma-xil maqsadlarda ishlatiladigan yer osti va yer usti suvlari (alohida o'rinni chuchuk suv zaxiralari egallaydi)

- gidroenergetika resurslari - daryo, dengizning pasayish - ko'tarilish faoliyati

natijasida hosil bo‘ladigan resurslar.

- fauna resurslari - inson ekologik muvozanatni buzmaganda holda suv, o‘rmon, cho‘llardagi tirik mavjudodarni ishlatishi mumkin bo‘lgan resurslar.

- qazilma boyliklar (rudali va rudamasli, yoqilg‘i-energetika resurslari) - xo‘jalikda ishlatilishi mumkin bo‘lgan yer qobig‘idagi minerallarning tabiiy yig‘indisi.

Inson va jamiyat hayotini tabiiy resurslarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Suv, havo, tuproq eng asosiy tabiiy resurs hisoblanadi.

MUHOKAMA

Bu keltirib o‘tganlarimiz tabiiy resurslardan oqilona foydalanish haqida yo‘l-yo‘riq hamda eng asosiy qoidalar hisoblanadi:

- ❖ barcha tabiiy resurslardan uzoqni ko‘zlagan holda foydalanish;
- ❖ atrof tabiiy muhitini barqaror saqlash;
- ❖ konlardan qazilmalarni to‘liq qazib olish;
- ❖ atrof-muhitning buzilishiga yo‘l qo‘ymaslik;
- ❖ barcha qimmatli moddalardan majmual-mukammal foydalanish;
- ❖ geologik qidiruv ishlarini tadrijiy davom ettirish;
- ❖ mahsulot birligiga sarf bo‘ladigan xomashyo va yoqilg‘ini tejaydigan texnika va texnologiyani qo‘llash;
- ❖ malakali mutaxassislarni tayyorlash.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki tabiiy resurslardan oqilona foydalanish orqali nafaqat bugungi kunda atrof- muhitni muhofaza qilish balki, ertangi kundagi avlodlarga meros qilib iflos havo yoki suvni emas balki toza, musaffo osmonni qoldirganimiz maqsadga muvofiq bo‘ladi. Zero – “Tabiat ajdodlarimizdan meros emas, balki kelajak avloddan olingan qarzdir”. Hozirgi global rivojlanayotgan zamonda tabiatni asrash - o‘zimiz uchun ham, atrofimizdagi odamlar uchun ham, kelajak avlod uchun ham, qolaversa jamiki tirik mavjudod uchun juda muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ergashev A. Ergashev T. "Ekologiya , biosfera va tabiatni muhofaza qilish" Toshkent "Yangi asr avlodi" 2005 y.
2. Peter Rillero, Dinah Zike. Ecology, (2005)
3. Buriyev S.S Mahkamov D.A Sherimbetov V.X "Ekologiya va atrof muhit muhofazasi" Toshkent Innovatsion-Ziyo nashriyoti 2020-y
4. N,SH Tulyaganova, M.B Ashirov, B.F Adilov, M.S Karabayev, D.M Ilyasova "Umumiy va tarixiy geologiya" Toshkent Innovatsion-Ziyo nashriyoti 2020-y
5. Simon A. Levin. Ecology, (2009)

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЗИҚ – ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЕЪЁРИ ВА УНДАН
ОҒИШИШЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ**

Исканов Холжигит Нуркосимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Аннотация: Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрини ҳисоблаш ва уни ҳаражатлар сметасининг ҳаражат моддаларида акс эттириш масалалари ёритилган. Бюджет ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати билан боғлиқ беш йиллик ҳисобот маълумотлари ўрганилган. Бюджет ташкилотларида озиқ – овқат маҳсулотлари меъёри аниқланиб, ундаги оғишишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: меъёр, молия йили, озиқ-овқат маҳсулотлари, бюджет ташкилоти, субсчёт, ҳаражат, қолдиқ, ҳисобот.

**РАСЧЕТ ПИЩЕВЫХ НОРМ И ОТКЛОНЕНИЙ ОТ НИХ В
ГОСУДАРСТВЕННЫХ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

Исканов Холжигит Нуркосимович,

Доцент Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы расчета нормы продуктов питания в бюджетных организациях и отражения ее в статьях затрат сметы расходов. Изучены пятилетние отчетные данные по движению пищевых продуктов в бюджетных организациях. В бюджетных организациях определялась норма пищевых продуктов и анализировались отклонения в ней.

Ключевые слова: норма, финансовый год, продукты питания, бюджетная организация, субсчет, расход, сальдо, отчет.

Кириш. Бюджет ташкилотлари фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда ҳисоб ишларини юритиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Хусусан, тиббиёт муассасаларида озиқ–овқат маҳсулотларига эҳтиёж юқори бўлади. Ўз навбатида даволаш муассасаларида озиқ–овқат маҳсулотлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали уларнинг ҳаракатини назорат қилиш мумкин. Шунингдек, озиқ–овқат маҳсулотларининг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш натижасида стационар тиббиёт ташкилотларини узлуксиз ва самарали тарзда озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш амалга оширилади. Биз қўйидаги давлат тиббиёт ташкилотларида озиқ–овқат маҳсулотлари ҳаракати билан боғлиқ маълумотларни кўриб ўтамиз (1–жадвал).

1–жадвал

Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет маблағлари ҳисобидан
кирим қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати тўғрисида
маълумот¹, (минг сўмда)

Кўрсаткич номи	Йиллар	Йил бошига қолдиқ	Кирим	Чиқим	Йил охирига қолдиқ
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази					
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017	61 016,2	763 010,1	750 159,2	73 867,1
	2018	73 867,1	119 311,1	193 178,2	
	2019				
	2020		1 268 377,8	1 268 377,8	
	2021				
Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси					
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017		30 701,5	30 701,5	
	2018		42 565,6	42 565,6	
	2019		53 998,6	53 998,6	
	2020		51 202,6	51 202,6	
	2021				

Демак, 1 – жадвалда тадқиқот объекти ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг сўнгги беш йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлари акс эттирилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида 2017–2018 йиллар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари омборга кирим қилиниб, марказ ошхонасида беморлар учун таом тайёрланган, ошхона фаолият кўрсатган. 2019 йилдан бошлаб беморларни овқат билан таъминлаш хизмати аутсорсингга ўтказилган. Пандемия туфайли 2020 йилда марказга чет эллардан Covid–19 инфекцияси билан касалланган беморлар келтирилиб даволанганлиги туфайли ошхона фаолияти йўлга қўйилган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида 2021 йилдан бошлаб беморларни овқат билан таъминлаш хизмати аутсорсингга ўтказилган. 2017–2021 йиллар мобайнида ордер билан даволанган беморлар учун шифохона ошхонасида таом тайёрлаб бериш йўлга қўйилган. Шифохонанинг 2017–2021 йиллардаги ҳисоботларида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича йил охирида қолдиқ қолмаслигига сабаб, маҳсулотларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун

¹ Тадқиқот объектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳам харид қилинганлигидир.

Давлат тиббиёт ташкилотларида озиқ–овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг қолдиғини етарлича даража бўлиши, сифатли ва яроқли бўлиши учун улар билан боғлиқ лимитларни белгилаш зарур саналади.

Муҳокама ва натижалар. Стационар тиббиёт ташкилотларида товар–моддий захиралари, хусусан, озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича молия йили охирига бўлган қолдиқлар таҳлил қилинади[1]. Агар стационар даволаш муассасаларини молий йили охирида бўлган озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича қолдиқ қиймати белгиланган лимит (меъёр)дан ортиқча бўлса, кейинги молия йилида бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасида озиқ–овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун киритиладиган сумма лимитдан ортиқ суммага камайтиради.

Стационар тиббиёт ташкилотларида озиқ–овқат маҳсулотларининг молия йили охирига ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган) да белгиланган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ушбу қоидаларда товар–моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кун меъёрлари берилган бўлиб, озиқ–овқат маҳсулотлари (мавсумий тайёрлашдан ташқари) учун белгиланган кун меъёри 15 кун этиб белгиланган. Стационар тиббиёт ташкилотларида озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича йил охирига қодикни меъёрини аниқлаш учун “Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисоботнинг 061 “Озиқ–овқат маҳсулотлари” субсчёти бўйича йил давомида ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган озиқ–овқат маҳсулотлари қиймати олиниб, тиббиёт ташкилотлари бўйича озиқ–овқат маҳсулотларининг ҳар бир гуруҳи бўйича кўрсатилган сумма 360 кунга бўлинади ва чиққан натижа озиқ–овқат маҳсулотлари (мавсумий тайёрлашдан ташқари) учун белгиланган кун меъёрига кўпайтиради [7].

Шунингдек, озиқ–овқат маҳсулотлари (мавсумий тайёрлашдан ташқари) бўйича аниқланган меъёр муассаса бухгалтерия балансининг 061 “Озиқ–овқат маҳсулотлари” субсчёти қолдиғи билан солиштирилади[2]. Агар озиқ–овқат маҳсулотлари қолдиғи чиққан меъёрдан ортиқ бўлса, ўша суммага кейинги йил харажатлар сметасида 4–гуруҳ “Бошқа харажатлар”нинг 42–52–300 “Озиқ–овқат маҳсулотлари” харажат моддаси суммасини молиялаштириш камайтиради.

Стационар тиббиёт ташкилотларини озиқ–овқат маҳсулотлари узлуксиз таъминлаш, уларнинг қолдиғини етарлича даража бўлиши, сифатли ва яроқли бўлиши учун улар билан боғлиқ лимитларни белгилаш зарур саналади. Буни биз давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича илмий–тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида кузатдик [6].

Стационар тиббиёт ташкилотларида керакли озиқ–овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда улар бўйича ички бошқарув, ҳисобдорлик ва назорат тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳимдир[4]. Тадқиқот объекти ҳисобланган стационар тиббиёт ташкилотларида ушбу ҳолатнинг тўғри амалга оширилаётганлиги ёки тўғрилигини аниқлаш учун озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича белгиланган лимитлар ва ундан оғишларни аниқлаймиз (2–жадвал).

2–жадвал

Озиқ – овқат маҳсулотлари меъёри ва ундан оғишишлар (минг сўм)²

Кўрсаткич номи	Йиллар	Йил бошига қолдиқ	Кирим	Чиқим	Лимит	Йил охирига қолдиқ	Лимитдан оғишиш
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази							
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017	61 016,2	763 010,1	750 159,2	31 256,6	73 867,1	-42 610,5
	2018	73 867,1	119 311,1	193 178,2	8 049,1		8 049,1
	2019						
	2020		1 268 377,8	1 268 377,8	52 849,1		52 849,1
	2021						
Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси							
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017		30 701,5	30 701,5	1 279,2		1 279,2
	2018		42 565,6	42 565,6	1 773,6		1 773,6
	2019		53 998,6	53 998,6	2 250,0		2 250,0
	2020		51 202,6	51 202,6	2 133,4		2 133,4
	2021						

2–жадвалда тадқиқот объектлари сифатида стационар тиббиёт ташкилотлари ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилиниб, сарфланган озиқ–овқат маҳсулотлари меъёри таҳлил қилинган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг озиқ–овқат маҳсулотларини ўрнатилган меъёрлар бўйича 2017–2021 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатадики, 2017 йил йиллик ҳисоботида асосан озиқ–овқат маҳсулотларининг йил охиридаги қолдиғи 73 867,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу меъёрдан (лимитдан) 42 610,5 минг сўм ортиқча эканлигидан далолат беради. Марказнинг 2018 йилдан 2021 йилгача номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи ўрганилганда озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича

² Тадқиқот объектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

йил охирига қолдиқ қолмаганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина 2020 йилда марказ коронавирус инфекцияси (COVID–19)ни юқтирган беморларни даволайдиган муассасага ихтисослаштирилганлиги учун озиқ–овқат маҳсулотлари сарфланган.

Марказда даволанаётган беморларни озиқ–овқат маҳсулотлари билан таъминлаш 2019 йилдан аутсорсинг хизматига ўтказилган бўлиб, марказнинг ошхонаси учун ажратилган ходимлар штати қисқартирилган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасининг 2017–2021 йиллардаги ҳисоботида асосан озиқ–овқат маҳсулотларини ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисоб–китоб қилинганда, шифохонанинг 2017–2020 йилларда озиқ–овқат маҳсулотлари бўйича йил охирида қолдиқ мавжуд эмас. 2021 йилдан шифохонада даволанаётган беморларни озиқ–овқат маҳсулотлари билан таъминлаш аутсорсинг хизматига ўтказилган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси ҳам 2017–2020 йилларда белгиланган кун меъёри бўйича озиқ–овқат маҳсулотлари учун бюджет маблағларига эҳтиёжи 2017 йилда 1 279,2 минг сўм, 2018 йилда 1773,6 минг сўм, 2019 йилда 2 250 минг сўм ва 2020 йилда эса 2 133,4 минг сўмни ташкил қилган.

Хулоса. Стационар тиббиёт ташкилотлари ҳисобот маълумотларининг таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун тиббиёт ташкилотлари фаолият йўналишига мос тарзда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий, техник ва услубий таъминотини шакллантириш ҳамда ташкилот таркибий бўлимларининг бухгалтерия билан ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган озиқ–овқат маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилишда моддий жавобгар шахсларни ҳисобдорлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун тиббиёт ташкилотларида бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлаш мақсадида бошқарув ҳисобини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Account of extra-budgetary funds of budget organizations. Study guide. - Т.: "Economy - Finance", 2018. - 192 p.

2. Kuliboev A.Sh. «Rules and steps of accounting policy in state medical institutions». //International scientific and practical conference «Modern psychology and pedagogy: Problems and solutions» Imperial College London, 16.04.2022. – Pp. 575-580.

3. Кулибоев А. ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг

долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 8.

4. Кулибоев Азамат Шоназарович (2023) “ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЕЪЁРИ ВА УНДАН ОҒИШИШЛАРНИ ҲИСОБЛАШ”, Лучшие интеллектуальные исследования, 2(1), pp.147–153. Available at: <http://web-journal.ru/index.php/journal/article/view/321>

5. Кулибоев А. Ш. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.

6. Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. Improving Accounting of settlements with Suppliers and Buyers in Public Sector Institutions. American Journal of Economics and Business Management. ISSN: 2576-5973. Vol. 4, № 2, 2021.

7. Ostonokulov A.A. Budget Organizations Formation and Improving Accounting for Out-of-Budget Budgets. // International Journal of Advanced Science and Technology. ISSN: 2005-4238 IJAST. Copyright © 2020. SERSC Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 11-16.

TARKIBLI MAYDON TRANZISTORLARIDA HAJMIY ZARYAD SOHASINI BOSHQARISH MEXANIZMLARI

*Kodirova Dildora Raxmatulloyevna
Samarqand shahar 81-maktab*

Annotatsiya: Hozirgi kunda yarim o'tkazgich tuzilmalardan turlicha yangi qo'llanishlar uchun ajoyib imkoniyatlar yuzaga kelmoqda. Tranzistor tipidagi kuchaytirish qurilmalarini bunday jabhadan qarab chiqish ularning harorat, yorug'lik nurlanishi, bosim va b. larni qayd qilishi mumkinligini ko'rsatdi. Ushbu maqolada diod va tranzistor tuzilmalarning harorat va yorug'likka sezgirlikning fizikaviy asoslari bo'yicha, shuningdek ularning xossalari konstruktiv va sxemotexnik yechimlar orqali boshqarish masalalari bo'yicha ma'lum ishlar ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: yarim o'tkazgich tuzilmalar, Tranzistor tipidagi kuchaytirish qurilmasi, diod, tranzistor, yorug'lik nurlanishi.


Maydon tranzistorlarining imkoniyatlari ularni uch turdagi klassik ulash usullari bilan cheklanib qolmaydi: umumiy istokli, umumiy stokli, umumiy zatvorli. Bugungi kunga kelib, maydoniy tranzistori kabi, ya'ni ish rejimlarining va uning ulanish usullarining ko'pligi sababli, fotopriyem-nik, harorat datchigi, bosim va magnit maydon datchiklari, SVCH generatori bo'lishini ta'minlay oladigan, keng funksional imkoniyatlarga ega bo'lgan birorta yarimo'tkazgichli asbob yo'q [1].

Ishlash prinsipiga ko'ra, maydon tranzistoriga zatvor maydoni bilan boshqariladigan kuchaytirgichli asbob kabi ta'rif berilgan edi. Biroq tekshirishlar uning tok bilan boshqariladigan asbob sifatida, ya'ni zatvordagi to'g'ri kuchlanish kichik bo'lgan rejimda ham ishlashi mumkinligini ko'rsatdi. Bunday xususiyat ikkita maydon tranzistori asosida tarkibli tranzistor yaratish imkoniyatini ochib beradi [2]. Unda stoklar bir butundek ulanadi, birinchi tranzistorning istoki ikkinchi tranzistor zatvoriga ulanadi. U xuddi bir tranzistor kabi tavsiflanadi. Umuman, birinchi tranzistor to'suvchi rejimda, ikkinchi tranzistor esa zatvorning to'g'ri yo'nalish rejimida ishlaydi, 1a-rasm. Dastlabki holatda, manba kuchlanishi stok va istok oralig'ida 4.5 V bo'lganida, stokli tranzistor kanalidagi tok 6 mA ni, zatvorli tranzistor kanalidan o'tuvchi tok esa 6 mA ni, va zatvor kuchlanishi ($U_{ots}/2$) = 0.5V bo'lgandagi uning to'g'ri yo'nalishli zatvor-istok toki 10 nA ni tashkil etgan. Bu yerda, ishning samarali bo'lishi uchun, to'g'ri yo'nalishdagi *p-n*-o'tishdagi kuchlanish tushuvi U_D dan kichik bo'lishi lozim. Ushbu holatda, kanal qarshiligi modulyatsiyasi (noasosiy tashuvchi teshiklarning kanalga injeksiyasi) hisobidan kuchaytirish koeffitsiyenti, kanal qalinligining to'silayotgan *p-n*-o'tishning hajmiy zaryad sohasi bilan modulyatsiya qilinishi hisobidandagiga qaraganda kichikroq bo'ladi. Tarkibli tranzistorda, zatvor kuchlanishiga qarab, birinchi tranzistor kanalining qalinligi o'zgaradida, kanaldagi kuchlanish tushuviga olib keladi. Bu esa o'z navbatida, ikkinchi tranzistorning to'g'ri yo'nalishli o'tishi orqali tokning o'zgarishiga olib keladi.


Tarkibli tranzistorda boshqaruvchi o'tishlarning hajmiy zaryad sohasini boshqarish mexanizmi quyidagilardan iborat bo'ladi [3]. Dastlabki holatda, ikkinchi tranzistor, U_{si} kuchlanishga qarab, stok tomonidan to'siladi, istok tomonidan esa hajmiy zaryad sohasi

oshadi, chunki zatvor-istok o'tishida $U_{zi}/2$ to'suvchi kuchlanish tushadi, 3.10b-rasm.

Ayni paytda, birinchi tranzistor kanali orqali, stok-istok kuchlanishi bilan teshiklarning kanalga injeksiyasi amalga oshadi. Bunda kuchlanishning katta qismi birinchi tranzistorning to'suvchi o'tishida tushadi. Birinchi maydoniy tranzistorida kirish signalining musbat impulsidan zatvorning hajmiy zaryad sohasi qisqaradi va kanal o'tkazuvchanligi ortadi, shu vaqtda ikkinchi maydon tranzistorida ham zatvorning hajmiy zaryad sohasi qisqaradi, bu o'z navbatida, o'tkazuvchanlikning ortishiga olib keladi.



a) [2]



b)

1-rasm. Maydonli strukturalardagi tarkibli tranzistorga ishchi kuchlanishlarini berish sxemasi (a) va kanal modulyatsiyasi jarayonlari (b)

Bunda birinchi maydoniy tranzistorining kanali va ikkinchi maydoniy tranzistorining zatvor-istok o'tishi orqali tashuvchilarning injeksiyasi kanal o'tkazuvchanligining, ya'ni stok tokining yanada ko'proq ortishiga olib keladi. Natijada, kuchaytirish koeffitsiyenti stok kuchlanishiga amalda bog'liq bo'lmay qoladi. Ikkinchi maydoniy tranzistori uchun stok toki quyidagiga teng bo'ladi

$$I_c = I_{c\text{макс}} \left(1 - \frac{U_D - U_3}{U_D + U_{omc}} \right), \quad (1)$$

zatvor toki esa

$$I_3 = I_{30} \exp \frac{qU_3}{mkT}$$

(2)

$$I_c = I_{c\max} \left(1 - \frac{U_D - m \frac{q}{kT} \ln \frac{I_3}{I_{30}} U_3}{U_D + U_{omc}} \right), \quad (3)$$

undan tok bo'yicha kuchaytirish koeffitsiyenti $\beta = dI_c/dI_z$

$$\beta = \frac{2m(kT/q)I_{c\max}}{(U_D + U_{omm})I_3}. \quad (4)$$

Mos ravishda, zatvor toki I_Z va uzilish kuchlanishi, diffuzion potensial qanchalik kichkina bo'lsa, kuchaytirish koeffitsiyenti shunchalik katta bo'ladi. Shu sababdan, kuchaytirish koeffitsiyentini kattalashtirish va past (kuchsiz) signallarni qabul qilish uchun istok va zatvor orasiga rezistor kiritish taklif qilinadi. Istok va zatvor orasiga qarshilik tanlashda, to'yinish toki (2 nA) ga nisbatan teskari tokni o'n barobar katta (20 nA) qabul qilib

$$R_{\text{ex}}^{p-n} = \frac{kT}{q(I_{obr} - I_{nos})} \quad (5)$$

qarshilikning 1.38 MOm qiymatini olamiz.

Tarkibli maydoniy tranzistorining kuchaytirish xossalarini tekshirishlar, to'suvchi kuchlanish 0.4 V, zatvorlardagi qarshiliklar 1 MOm bo'lganida, 1-jadvalda ko'rsatilganidek, sinusoidal signalni 18 koeffitsiyent bilan, ya'ni uchta kaskadli tejamkor kuchaytirgichlardagiga nisbatan uch barobar yuqori kuchaytirishga imkon yaratdi [4].

1-jadval

Kirish signalining turli darajalarida chiqish signali va kuchaytirish koeffitsiyentlarining qiymatlari

f=400 Gs								
U_{ex}, MB	1	2	4	5	8	10	15	20
$U_{\text{obx}}, \text{MB}$	18	36	72	90	145	180	270	360
K_{yc}	18	18	18	18	18.1	18	18	18

Shunday qilib, maydoniy tranzistorlarining kuchaytirish xossalarini tekshirish, to'suvchi kuchlanish qiymatlarini boshqargan holda, maydoniy tranzistorining kuchaytirish koeffitsiyentini uning ulanish rejimiga bog'lanishiga qarab boshqarish mumkinligini ko'rsatib berdi.

ADABIYOTLAR RO'YHATI

1. Kamanov, B. M., & Kodirov, O. G. (2023). Features amplifying properties of a field effect transistor in the circuit with dynamic load. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 93-98.
2. Каманов, Б., & Кодиров, О. (2023). P-N-ўтишли майдоний транзисторлар

- типидаги тадқиқ қилинаётган намуналарнинг конфигурациясини танлашнинг асосланиши. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 2(4), 176-179.
3. Maxramovich, K. B., & Gafurovich, K. O. (2022). IKKIQTBLILIK REJIMIDA TRANZISTOR TUZILMALARNING XOSSALARINI TADQIQ QILISHNING HOZIRGI ZAMON HOLATI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 323-327.
 4. Каманов, Б. М., & Кодиров, О. Г. (2022). транзистор тузилмаларнинг параметрларини яхшилашнинг конструктив ва схемотехникавий усуллари. *Academic research in educational sciences*, (Conference), 521-524.
 5. Старовойтов, Э. И., Яровая, А. В., & Леоненко, Д. В. ТО ‘G’RI CHIZIQQA PARALLEL VA UNI KESIB O ‘TUVCHI TO ‘G’RI CHIZIQ O ‘TKAZISHGA OID MASALALARNI ISHLASH METODIKASI. *OLIIY VA O ‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI*, 703.
 6. Kamano, B. M., & Kodirov, O. G. (2023). MAYDONIY TRANZISTORNI ULASHNING IKKIQTBLILIK REJIMIDA BAZA SOHASINING MODULYATSIYASI JARAYONINI BOSHQARISH. *Academic research in educational sciences*, 4(SamTSAU Conference 1), 41-45.

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA INVESTITSİYALAR JALB QILISH
MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Sh.A. Arziqulov

Oriental universiteti 1-kurs magistranti

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot tarmoqlariga kiritilgan investitsiyalar tahlil etilgan; respublikaning investitsion salohiyatiga ta’sir etuvchi asosiy omillarni o‘rganilgan; iqtisodiyot tarmoqlarining investitsion jozibadorligi va salohiyatini oshirish imkoniyatlarini asoslangan xulosa va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tayanch so‘zlar: investitsiya; real investitsiya; moliyaviy investitsiya; ichki va tashqi investitsiya; bevosita xorijiy investitsiyalar; investitsion salohiyat; investitsion jozibadorlik; investitsiyalar samaradorligi.

Barchamizga ma’lum, islohotlar va yangilanishlar o‘z-o‘zicha amaliyotga tadbir qilinganda oxirgi ya’ni yakuniy samara kutilganidek bo‘lmasligi yoki kutilgan natijaga keyinroq erishish mumkin bo‘ladi. Shuning uchun, yangi iqtisodiy tizim va munosabatlarning qaror topishida barcha tarmoqlar kerakli darajada hukumat tomonidan qo‘llab-quvvatlab boriladi, bu olib borilayotgan islohotlarining samarali bo‘lishini kafolatlaydi.

Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlar va yangilanishlarni bosqichma-bosqich asta-sekinlik bilan amalga oshirish va bu jarayonda davlatning bosh islohotchi vazifasini bajarishi mamlakatimizning bozor iqtisodiyotiga o‘tishida o‘ziga xos turtki bo‘lib hisoblanadi. Bu jarayon investitsiyalarni jalb qilish va ularni boshqarishni tartibga solish borasida ko‘plab yangi va mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun muhim qarorlar qabul qilishni talab qiladi. Lekin, iqtisodiyotimiz tarmoqlaridagi investitsiya faoliyatni to‘g‘ri yo‘lga qo‘ymasdan, investitsiyalarni jalb qilish va samarali o‘zlashtirish ishlarini amalga oshirmasdan, investitsiyalarni to‘g‘ri boshqarmay turib iqtisodiyotni barqaror o‘stirish, asosiy kapitalni yangilanishiga va ko‘payishiga, butun investitsion- sohada tarkibiy o‘zgarishlarga erishib bo‘lmasligi aniq ko‘rinib turibdi. Aynan ushbu natijalarga erishishda biz dissertatsiyamizdagi takliflar va tavsiyalarni ko‘rsatishni lozim deb topdik.

O‘zbekistonda investitsiyalarni jalb qilish va ularni boshqarishda yangi usullarni joriy qilish bo‘yicha bajarilgan ilmiy ishlar juda kam. Investitsiyalarni jalb qilish va ularni boshqarish usullarining o‘ziga xos xususiyatlariga yetarlicha ilmiy yondashilmagan. Ushbu holat magistrlik dissertatsiya ishi mavzusining dolzarbligini belgilaydi. Yuqoridagi holatlarning barchasi pirovardida, mamlakatimizda investitsion va eksport salohiyatini yanada takomillashtirish zaruratini ko‘rsatadi va dissertatsiya

uchun tanlangan mavzuning dolzarbligini belgilab beradi.

Jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi 2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmonini qonun hujjatiga mos ta’kidlab o‘tish joiz. Mazkur farmonda mamlakatimizda investitsiya jozibadorligini oshirishni, biznes muhitini yaxshilashni nazarda tutuvchi aniq rejalar o‘z ifodasini topgan. Bundan tashqari mahalliy va xorijiy investorlarga O‘zbekistonning investitsiyaviy salohiyatini namoyon etishga hamda mahalliy va xorijiy investorlar bilan o‘zaro muloqotni yo‘lga qo‘yishga qaratilgan “Toshkent xalqaro investitsiya forumi”ni har yili o‘tkazilishi ham muhim ahamiyatga ega. Investitsion faoliyatning rivojlanishini ko‘zlovchi mazkur harakatlar uning mazmun-mohiyati va ahamiyatini to‘liq tushunish hamda yoritib berishni taqozo etadi. Investitsion faoliyat tushunchasi investitsiya hamda investor kabi tushunchalarga asoslangan bo‘lib, bu bo‘yicha to‘liq tasavvurga ega bo‘lish uchun dastlab mazkur tushunchalar haqida so‘z yuritish maqsadga muvofiq hisoblanadi. “Investitsiya” atamasi lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, “invest”, ya’ni “qo‘yilma” degan ma’noni anglatadi. Umuman olganda, investitsiya deganda foyda olish yoki boshqa foydali maqsadga erishish uchun tadbirkorlik yoki boshqa faoliyatga jalb qilinadigan pul mablag‘lari, qimmatli qog‘ozlar, moddiy va nomoddiy boyliklar, shu jumladan, mol-mulkka bo‘lgan huquqlar nazarda tutiladi. Investitsiya tushunchasiga ko‘plab xorijiy adabiyotlarda turlicha ta’rif berib o‘tilgan. Xususan, ba’zi iqtisodiy adabiyotlarda investitsiyaga nisbatan foyda olish maqsadida muayyan sohaga joylashtirilgan kapital sifatida qaraladi. Bu yerda kapital aslida barcha daromad keltiruvchi vosita sifatida qaralishi lozim.

Y.Mitskevichning fikricha, investitsiya bu daromad olish yoki ijtimoiy samaraga erishish maqsadida moddiy va moliyaviy vositalarni, shuningdek, mol-mulkka hamda intellektual mulkka bo‘lgan huquqlarni turli faoliyat obyektlariga qo‘yilma sifatida jalb qilishdir¹. Bunda biz muayyan daromad keltirishga xizmat qiluvchi vosita sifatida investitsiyani ko‘rishimiz mumkin.

Ammo ikkala ta’rif ham bizning fikrimizcha mukammal va tugal emas. A.Neshitoy investitsiya tushunchasiga nisbatan quyidagicha qarashni ilgari suradi: “Investitsiya bu foyda olish yoki boshqa samaralarga erishish maqsadida o‘z yoki o‘zga mamlakatning turli tarmoqlariga, tadbirkorlik loyihalari, ijtimoiy-iqtisodiy dasturlar ham innovatsiya loyihalarini amalga oshirishga yo‘naltirilgan pul mablag‘larini (kapitalni) uzoq muddatga joylashtirishdir”². Ushbu yondashuvda investitsiyani muayyan muddatga kiritiladigan sarmoya sifatidagi talqinini ko‘rishimiz mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2022-yilning yanvar-dekabr oylarida jami 269,9 trln. so‘m asosiy kapitalga

¹ Ендовицкий Д. А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика / Д. А. Ендовицкий; под ред. Л.Т. Гиляровой. М: Финансы и статистика, 2011, изд.№2, 400с.

² Швандар В. А. Базилевич А. И. Управление инвестиционными проектами - М.: ЮНИТИ, 2017. - 444 с.

investitsiyalar o‘zlashtirilibdi. Jami investitsiyalarning 110,3 trln. so‘mi korxonalar va tashkilotlarning o‘z mablag‘lari, 159,6 trln. so‘mi jalb etilgan mablag‘lar, 112,2 trln. so‘mi xorijiy investisiya va kreditlar hisobidan amalga oshirilgan. Shu yili jami asosiy kapitalga investitsiyalarning mamlakat YalMdagi salmog‘i 30,3 %ni tashkil etdi. Asosiy kapitalga investitsiyalarning tarkibida markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi 41,5 trln. so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan 228,4 trln. so‘m investitsiyalar o‘zlashtirildi.

O‘zbekiston Respublikasi hududlari kesimida asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar qiymati 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar³, mlrd. so‘m

Hududlar	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.
O‘zbekiston Respublikasi	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	269840,0
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	6757,8	8750,6	7089,8	8110,7	10254,0
Andijon	4711,9	7452,1	9622,6	11176,6	14339,8
Buxoro	9610,9	10366,6	12183,9	20528,3	21638,3
Jizzax	3606,3	7900,9	12545,4	9233,6	10373,9
Qashqadaryo	16518,5	24462,5	20557,6	17359,1	16012,8
Navoiy	10579,5	17646,3	15688,4	15020,1	17958,1
Namangan	8158,1	12084,9	12007,2	12982,0	14775,1
Samarqand	7061,4	10266,7	14656,4	15641,6	18917,1
Surxondaryo	7240,6	11835,1	10068,2	12037,8	11569,4
Sirdaryo	2699,3	5869,1	7191,9	8051,8	12354,6
Toshkent	11226,9	20353,9	21148,6	28113,6	35767,7
Farg‘ona	5539,1	8685,4	11040,0	12625,2	15419,3
Xorazm	3013,8	5032,0	5391,8	8292,0	8769,7
Toshkent sh.	26435,7	42458,1	50371,3	58172,7	56847,9

Yuqori keltirilgan 2.1-jadvaldan ma’lumki, respublika hududlari kesimida asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar qiymatida Toshkent shahri (56847,9 mlrd. so‘m), Toshkent (35767,7 mlrd. so‘m), Buxoro (21638,3 mlrd. so‘m), Samarqand (18917,1 mlrd. so‘m), Qashqadaryo (16012,8 mlrd. so‘m) viloyatlari yetakchilik qilgan bo‘lsa, Xorazm (8769,7 mlrd. so‘m), Surxondaryo (11569,4 mlrd. so‘m), Jizzax (10373,9 mlrd. so‘m) viloyatlari va Qoraqalpog‘iston Respublikasi (10254,0 mlrd. so‘m) nisbatan past ko‘rsatkichlarga ega.

Mintaqalar iqtisodiyotini rivojlantirishda investitsiya loyihalarini amalga

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma’lumotlari. www.stat.uz

oshirishning ahamiyati benihoya katta. Buning afzalliklariga quyidagilarni keltirish o‘rinli:

birinchidan, xorijiy investitsiyalar ko‘magida korxonalariga zamonaviy texnik-texnologiyalar joriy qilib, eksportga mo‘ljallangan mahsulotlar ishlab chiqarish rivojlanadi;

ikkinchidan, import o‘rnini bosuvchi ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish, va buning uchun xorijiy investitsiyalarni iqtisodiyotning ustuvor sohalariga yo‘naltirish va pirovardida aholining turmush darajasini oshirish imkoni yaratiladi;

uchinchidan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish va qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini jadallashtirish orqali o‘sib borayotgan aholini ish joylari bilan ta‘minlashga ko‘maklashadi;

to‘rtinchidan, korxonalarining eskirgan ishlab chiqarish quvvatlari, moddiy-texnik bazasi yangilanadi va texnik qayta qurollanadi;

beshinchidan, tabiiy resurslarni qayta ishlovchi korxonalar barpo etiladi.

Investitsiyaviy loyihalarni amalga oshirish samaradorligi monitoringini o‘tkazishning maqsadi investitsiyalash jarayonining barcha darajalarini ularning kengaytirilgan vazifalari asosida doimiy kuzatish hisoblanadi va quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

-investitsiyaviy jarayonning barcha ishtirokchilari tomonidan agrar soha sub’ektlarining loyihaviy takliflarini amalga oshirishini va investitsiyaviy davrning barcha bosqichlarida o‘tish muddatlariga amal qilinishini kuzatish;

-investitsiyaviy loyihalarni amalga oshirishni shu jumladan, investitsiyaviy davrning barcha bosqichlarida jalb qilinayotgan kredit liniyalari samaradorligini ta‘minlashga ko‘maklashish.

Bu maqsadga erishish uchun tadbirkorlik sub’ektlariga yordam beruvchi bozor infratuzilmalari tashkilotlari quyidagi ishlarni amalga oshirishlari maqsadga muvofiqligi aniqlandi:

-qishloq xo‘jaligi sohasida tadbirkorlikni axborot-maslahatlar bilan qo‘llab-quvvatlash «Markaz»lari yordamida agrar soha sub’ektlarining investitsiyaviy loyihalari tashabbusini tashkil etish;

-loyihalarni amalga oshirish jarayonlarini va ularning investitsiyaviy siyosat sohasidagi iqtisodiy me‘yorlarga mosligini o‘rganish;

-iqtisodiy me‘yorlar va investitsiyaviy loyihalarning samaradorligi standartlari asosida investitsiyaviy loyihalarning joriy rejalarini keltirish bo‘yicha takliflar kiritish;

-investitsiyaviy siyosat sohasidagi xalqaro me‘yorlarni O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligiga kiritish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish;

-investitsiyaviy loyihalarni amalga oshirish monitoringi sohasida xalqaro tashkilotlar va institutlar bilan hamkorlikni rivojlantirishga yo‘naltirilgan takliflar tayyorlash;

- chet el ekspertlari va institutlarini jalb qilgan holda investitsiyaviy loyihalarning ilmiy ekspertizasini o'tkazishga ko'maklashish;
- loyihalarni amalga oshirish mexanizmini takomillashtirish va samaradorligini nazorat qilish bo'yicha takliflar tayyorlash;
- joriy va istiqbolli rejalarga va O'zbekistonda investitsiyaviy iqlimni yaxshilash bo'yicha dasturlarga takliflar kiritish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 18-avgustdagi "Respublikada eksport va investitsiya salohiyatini yanada rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-6042-son Farmoni. www.lex.uz.
2. Ендовицкий Д. А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика / Д. А. Ендовицкий; под ред. Л.Т. Гиляровой. М: Финансы и статистика, 2011, изд.№2, 400с.
3. Швандар В. А. Базилевич А. И. Управление инвестиционными проектами - М.: ЮНИТИ, 2017. - 444 с.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. 4-е изд. М.: Дашков и К°, 2006. С. 13.

**OLIY TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSION RIVOJLANISHGA
O'TISHNING IQTISODIY MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH
(nodavlat ta'lim muassasalari misolida)**

E.S. Axatov

Oriental universiteti 1-kurs magistranti

Kirish

Innovatsion iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim muassasalari sonini oshirish, ularning boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish, milliy iqtisodiyotimizni rivojlanishida oliy ta'lim muassasalari o'rnini yuksaltirish eng muhim ahamiyatga ega bo'lgan masalalardandir.

Har qanday buyuk va iqtisodiyoti taraqqiy etgan davlatlarning rivojlangan darajaga yetishlarida ta'lim tizimini, xususan, oliy ta'lim tizimini o'rni beqiyosligini inkor etib bo'lmaydi. Mamlakatimizda oliy ta'lim tizimini zamon talablariga mos holda rivojlantirish, tizimda innovatsiyalarni joriy etish, innovatsion boshqaruvni tashkil etish va doimiyligini ta'minlash asosida, jahondagi eng yetakchi oliy ta'lim muassasalari bilan raqobatga kirisha oladigan darajaga olib chiqish maqsadida uzluksiz va tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

1. Innovatsion rivojlanishning iqtisodiy mexanizmlari

Oliy ta'lim muassasalarida boshqaruv bo'linmalar rahbarlari, ilmiy-pedagogik kadrlarning ilmiy va boshqaruv salohiyati yetarli bo'lmagan holda ularning samaradorligini oshirish mumkin emas. Shuning uchun boshqaruv mexanizmlarini qo'llashda ta'lim muassasalarining mavjud ilmiy salohiyatiga e'tibor qaratish zarur. Oliy ta'lim muassasalarida ilmiy va boshqaruv salohiyatini aniqlamasdan, boshqaruv mexanizmini qo'llash tizimni takomillashtirishga doir qo'yilgan maqsadlarga erishishga imkon bermasligi mumkin. Bunday hollarda ta'lim muassasasining mavjud ilmiy salohiyat va boshqaruv bo'linmalarining boshqaruv salohiyatiga muvofiq mexanizmlarni ishlab chiqish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ta'lim tizimida boshqaruvni takomillashtirishdan avval boshqaruv, innovatsion boshqaruv, tashkiliy-iqtisodiy boshqaruv kategoriyalari bo'yicha ilmiy izlanishlarni o'rganib chiqishimiz va unga o'z yondashuvlarimizni shakllantirishimiz lozim.

Jahon miqyosida ta'lim, fan, innovatsiya, informatsiya va texnologiyalar kundan kunga yangilanib bormoqda. Hozirgi davrda xorijiy mamlakatlarda boshqaruv, innovatsion boshqaruv, informatsion boshqaruv va boshqaruv mexanizmi iboralari tashkiliy hamda iqtisodiy so'zlari bilan birga qo'llanilib, ko'p hollarda "innovatsion boshqaruv", "boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi" yoki "innovatsion boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari" shaklida qo'llanilmoqda.

Rossiyalik iqtisodchi olim Y.M. Belyayev "Innovatsion boshqaruv – bu

innovatsion jarayonlarni optimallashtirish usullari va shakllari majmuidir” deya ta’rif bergan. Ingliz iqtisodchisi Jesse Nieminen ta’rifiga ko’ra, “Innovatsion boshqaruv – bu shunchaki yangi narsalarni o’ylab topish va joriy etish hamda biznesni u yoki zbu tarzda rivojlantirish jarayonidir”. Innovatsiyani boshqarish – yangi narsani joriy etish uchun zarur bo’lgan barcha tadbirlarni amalga oshirishni anglatadi, bu amalda g’oyalarni ishlab chiqish, ustuvorliklarni belgilash va amalga oshirish, shuningdek, ularni amaliyotga tatbiq etish kabi jarayonlarni anglatadi.

Innovatsion boshqaruv – bu yangi bilimlar asosida har qanday faoliyatni taraqqiyotga yetaklovchi, zamon talablaridan ildamroq bo’lgan g’oyalarni yaratish va ularni boshqaruv jarayoniga targ’ib etish hamda samarali natijani ta’minlashdir.

Innovatsion rivojlanishning iqtisodiy mexanizmlari iqtisodiyotning yangi g’oyalarni, texnologik rivojlanishni va islohotlarni oshirishga qaratilgan tizim va usullardir. Bu mexanizmlar innovatsiyalar yaratish, ularni amalga oshirish va ularga moliyalashtirishning asosiy vositalari bo’lib, iqtisodiyotni yanada rivojlantirishga yordam beradi.

2. Oliy ta’lim tizimida tashkiliy-iqtisodiy mexanizmning tarkibiy qismlari

Tashkiliy va iqtisodiy vositalar bilan birgalikda ijtimoiy vositalarning ham ahamiyati mavjud. Tashkiliy, ijtimoiy, iqtisodiy vositalarga taalluqli elementlar va ularning har birini o’z vaqtida ishlash tizimi joriy etilsa, oliy ta’lim tashkilotlarida boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi samarali tashkil etilgan deb hisoblash mumkin. Oliy ta’lim muassasalarida natijaviy tashkiliy-iqtisodiy mexanizmning samarali ko’rinishi ilmiy-pedagogik xodimlarni yanada salohiyatini oshirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, moddiy-texnik bazani boyitish, moliyaviy-iqtisodiy resurslardan samarali foydalanish, muassasani innovatsiyalar makoniga aylantirish kabi ko’rsatkichlarda ko’rinadi.

Oliy ta’lim muassasalari innovatsion boshqaruvidagi asosiy masalalardan biri ta’lim dargohiga mos bo’lgan tashkiliy-iqtisodiy boshqaruv mexanizmini ishlab chiqib, boshqaruv jarayonida tashkiliy boshqaruv hamda iqtisodiy boshqaruv tushunchalarini bir-biriga muvofiqligini ta’minlab olishdir. Innovatsion boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi bir-biri bilan uzviy bog’liq bo’lgan tashkiliy va iqtisodiy shakllardagi elementlardan tashkil topgan. Demak, boshqaruvni innovatsion tashkil etishda iqtisodiy hamda tashkiliy tusdagi elementlarni shakllantirish lozim hamda ularni quyidagi vazifalarini hal etish maqsadga muvofiq:

- innovatsion boshqaruv mexanizmining maqsadlari,
- innovatsion boshqaruv mexanizmining vazifalari belgilash; innovatsion boshqaruv mexanizmining tamoyillarini aniqlash;
- boshqaruv mexanizmining ishlash shartlari va omillarini aniqlash;
- innovatsion boshqaruvda ishtirokchilarini aniqlash;
- innovatsion boshqaruv usullari, uslublari va vositalarini ishlab chiqish;

- boshqaruv samaradorligini aniqlash;
- innovatsion boshqaruv davomiyligini ta'minlash;
- boshqaruv natijalariga asosan monitoring qilish tizimini ishlab chiqish;
- innovatsion boshqaruvga doir strategiyani belgilash va boshqalardan iborat.

3. Innovatsion rivojlanishning nodavlat ta'lim tashkilotlariga ta'siri va kutilayotgan natijalar

Oliy ta'lim muassasalari boshqaruv subyekti tomonidan qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlar, boshqaruv usullari va vositalari asosida boshqaruv obyektini sifatida ijro mexanizmini tashkil etadi. Ijroni ta'minlash jarayonida boshqaruvning tashkiliy va iqtisodiy mexanizmi muhim ahamiyat kasb etadi. Ichki boshqaruv tizimida oliy ta'lim muassasasining rahbariyati boshqaruv subyekti sifatida ishtirok etib, boshqaruv bo'limlariga asosiy faoliyat hamda istiqbolli rejalar bo'yicha vazifalarni taqsimlaydi. Aynan shu jarayonda boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmiga "Innovatsion jarayon"ni tashkil etib, uning ishtirokini faollashtirish lozim. "Innovatsion jarayon"da qaror qabul qilib, uni ijrosini ta'minlash natijasida "innovatsion boshqaruv" va "innovatsion ta'lim" natijadorligi yuzaga keladi. Innovatsion jarayonni faolligini oshirish, boshqaruvda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi optimallashtirish, ijro samaradorligini oshirish hamda ko'zlangan maqsadga erishish aniqligini oshirish maqsadida oliy ta'lim muassasalarida "Innovatsion boshqaruv" bo'limini tashkil etish lozim. Innovatsion rivojlanishning nodavlat ta'lim tashkilotlariga ta'siri juda katta bo'ladi. Nodavlat ta'lim tashkilotlari, o'qituvchilar, talabalar, ilmiy tadqiqotchilar va o'quv markazlari orqali innovatsion rivojlanishning o'rtacha muhitini yaratishda katta rol o'ynaydi. Bu tashkilotlarning innovatsiyalarni rag'batlantirish, yangiliklarni rivojlantirish va ularga moliyaviy yordam berish yoki resurslarni taqsimlashda asosiy vazifalari mavjud.

Quyidagi yo'llar orqali nodavlat ta'lim tashkilotlari innovatsion rivojlanishga ta'sir ko'rsatishi mumkin:

Innovatsion ta'lim dasturlari: Nodavlat ta'lim tashkilotlari innovatsion ta'lim dasturlarini rivojlantirishi va o'quvchilarga innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va islohotlarni o'rganish imkonini berishi mumkin. Bu dasturlar, talabalar va o'qituvchilar orasida yangiliklarni rag'batlantirish, inovativ g'oyalar va fikrlarni o'rgatishni, muammolarni yechish va yaratuvchanlikni oshirishni maqsad qiladi.

Innovatsion laboratoriyalar va resurs markazlari: Nodavlat ta'lim tashkilotlari o'quv markazlarida va universitetlarda innovatsion laboratoriyalar va resurs markazlarini o'rnatish orqali innovatorlarga yangi texnologiyalar, ta'lim vositalari va imkoniyatlarni taqdim etishadi. Bu laboratoriyalar va markazlar, innovatorlarga tajribalar, tadqiqotlar va o'rganish imkoniyatlarini beradi, ularga yangiliklarni rivojlantirish uchun muhim platforma bo'ladi.

Innovatsion guruhlar va jamoalar: Nodavlat ta'lim tashkilotlari talabalarni

innovatsion guruhlar va jamoalar shaklida birgalikda ishlashga rag'batlantirishi mumkin. Bu guruhlar, talabalar o'rtasida fikr almashish, innovatsion loyihalarni yaratish va rivojlantirish uchun imkoniyatlarni yaratadilar. Innovatsion guruhlar, talabalarning ishbirlik qilish, kreativ fikrlarni amalga oshirish va innovatsion muhitni rivojlantirishga o'z hissalarini qo'shishga imkon beradi.

Innovatsion loyihalar va startap o'quv markazlari: Nodavlat ta'lim tashkilotlari innovatsion loyihalarni o'quv markazlari shaklida tashkil etish orqali talabalar va innovatorlarga rivojlantirish imkonini berishi mumkin. Bu markazlar, talabalarga innovatsion loyihalarni rivojlantirish, biznes modelini tuzish va startap kompaniyalarini o'zlashtirish uchun qo'llab-quvvatlashadi. Shu bilan birga, moliyaviy yordam, mentorlik va marketing imkoniyatlari taqdim etish orqali innovatorlarni innovatsiyalarini amalga oshirishda yordam beradi.

Innovatsion ta'limni rag'batlantirishning moliyaviy mexanizmlari: Nodavlat ta'lim tashkilotlari innovatorlarga moliyaviy yordam berishning bir qator mexanizmlarini amalga oshirishi mumkin. Bu, innovatsion grantlar, moliyaviy stimullar, korporativsponsoring, haydash fondlar va boshqalar orqali moliyaviy yordam berishni o'z ichiga oladi. Bu moliyaviy mexanizmlar, innovatorlarga yangiliklarni rivojlantirish uchun moliyaviy resurslarni taqsimlashda va innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda yordam beradi.

Xulosa

Xulosa o'rnida shuni ma'lum qilish lozimki, ta'lim tizimida tashkiliy-iqtisodiy mexanizm ta'lim muassasasini tashkiliy va iqtisodiy samaradorligini ta'minlashga, raqobatbardosh kadrlar tayyorlashga erishishga boshqa ta'lim dargohlari orasida ustun mavqega ega bo'lishga xizmat qilishi zarur.

Oliy ta'lim tizimida innovatsion tashkiliy-iqtisodiy mexanizmni samarali tashkil etish bo'yicha quyidagi tadbirlarni olib borish taklif etiladi:

– nodavlat ta'lim muassasasi boshqaruv bo'limlari faoliyatini o'zaro muvofiqlashtirishda bir-biriga bog'liq tizimlar shaklida strukturani shakllantirish va o'zaro harakatni ta'minlovchi mexanizmni tashkil etish zarur;

– boshqaruv bo'limlari integratsiyasini ta'minlovchi “Innovatsion boshqaruv” bo'limini tashkil etish;

–nodavlat ta'lim muassasasida ta'lim sifatini oshirishga ta'sir etuvchi xalqaro va mahalliy tajribalardan foydalanishni davomiyligini ta'minlash lozim;

– muassasa kengashlarida tahlil usullaridan foydalangan holda, muntazam bo'linmalar faoliyatini namunali hamda tanqidiy ruhdagi tahlillarini amalga oshirib borish;

– oliy ta'lim tizimida innovatsion muhit va innovatsion boshqaruv mexanizmini shakllantirish zarur;

– nodavlat ta'lim muassasasida professor-o'qituvchilar mehnat salohiyatini

oshirishga xizmat qiluvchi xorijda malaka oshirish, stajirovkaga yuborish tadbirlarini jadallashtirish zarur;

– nodavlat ta’lim muassasasida doimiy ravishda innovatsion boshqaruv samaradorligini aniqlash va kamchiliklar bo’yicha operativ qarorlar qabul qilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabrda Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. www.lex.uz.
2. Y.M. Belyayev. Innovatsionniy menejment. Uchebnik. Moskva.
3. N.Q. Yo‘ldoshev, Sh.A. Mirsaidova, Y.D. Goldman. Innovatsion menejment. Darslik. Toshkent-2011.
4. S.G‘ulomov, G‘.Qosimov, D.Xolmirzayeva, S.Saidaxmedov. Strategik va innovatsion menejment. Toshkent-2013.
5. Ibragimov I.U. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida tadbirkorlik faoliyatini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish. PhD dissertatsiyachsi. Toshkent – 2019, 33 b.
6. С.В. Рубцов // Классификация исследований в области организационного управления.
7. Kristen Rogers. Article: Organizational Management: Principles & Structure.

SAID AHMAD ASARLARIDA HAYOT TASVIRI

*Jo'rayeva Nargiza Tilovmurodovna**Termiz davlat universiteti akademik litseyi**Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

Annotatsiya: Said Ahmad asarlarida hayotning barcha murakkabligi va go'zalligi bilan mazmun-mohiyatini qamrab olgan holda inson tajribasini chuqur va mushohada bilan o'rganish taklif etiladi. Said Ahmad o'z asarlari orqali hayotning yorqin va ko'p qirrali qiyofasini chizadi, inson tuyg'ulari, munosabatlari, ekzistensial savollarning chuqurligiga chuqur kirib boradi. Uning hikoyalari chuqur hamdardlik tuyg'usi bilan sug'orilgan bo'lib, o'quvchilarni qahramonlar va ularning kurashlari, quvonchlari va g'alabalari bilan bog'lanishga chorlaydi. Sadoqat, mehr-oqibat, insonparvarlik va ishonch mavzulari uning ijodi davomida jaranglab, hayot qiyinchiliklarini yengishda axloqiy qadriyatlar muhimligini ta'kidlaydi. Ushbu maqolada Said Ahmad asarlarida hayot tasviri haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: Said Ahmad, hikoyanavis, asar, hayot tasviri, adabiyot, hikoya, Roman.

Аннотация: В произведениях Саида Ахмеда предлагается глубокое и наблюдательное исследование человеческого опыта, охватывающее суть жизни во всей ее сложности и красоте. Через свои работы Саид Ахмед рисует яркую и многогранную картину жизни, проникает в глубину человеческих чувств, отношений, экзистенциальных вопросов. Его рассказы пронизаны глубоким чувством сопереживания и приглашают читателей соприкоснуться с персонажами, их борьбой, радостями и триумфами подчеркивает важность нравственных ценностей в преодолении трудностей. В данной статье представлена информация об изображении жизни в произведениях Саида Ахмеда.

Ключевые слова: Саид Ахмад, писатель-рассказчик, произведение, образ жизни, литература, повесть, роман.

Abstract: In the works of Said Ahmed, a deep and observational study of human experience is offered, covering the essence of life with all its complexity and beauty. Through his works, Said Ahmed paints a bright and multifaceted picture of life, goes deep into the depths of human feelings, relationships, and existential questions. His stories are imbued with a deep sense of empathy and invite readers to connect with the characters and their struggles, joys and triumphs emphasizes the importance of moral values in overcoming difficulties. This article provides information about the depiction of life in the works of Said Ahmed.

Key words: Said Ahmad, story writer, work, image of life, literature, story, novel.

KIRISH

1920-yilning 10-iyunida Toshkent shahrining Samarqand darvoza mahallasida tugʻilgan. Uning bolaligi Elbek, Oybek, Gʻafur Gʻulom singari adiblar davrasida oʻtdi. Tabiatan qiziquvchan, tinib-tinchimas Said Ahmad adabiyotga kirib kelguncha juda koʻp sohalarda oʻzini sinab koʻrdi: agitplakatlar yozdi, artist boʻlishga urinib koʻrdi, doktorlik maktabida oʻqidi, qurilish texnikumida tahsil oldi, rassomlik maktabiga qatnadi, mashhur fotochi Pensonga shogird tushdi, gazetalarga xabarlar yozdi. U Nizomiy nomidagi pedinstitutda bir muddat oʻqigach, 1941-yilda „Mushtum“ jurnalida ishladi. 1942-1943-yillarda respublika radiosida, 1943-1947-yillarda „Qizil Oʻzbekiston“ gazetasida, 1948-1950-yillarda „Sharq yulduzi“ jurnalida mehnat qildi. 50-yillar boshida millatchi sifatida bir necha yil qamalib ham chiqdi. Milliy istiqlol yoʻlidagi xizmatlari uchun Said Ahmad 1999-yilda Oʻzbekiston Qahramoni unvoniga sazovor boʻlgan. Adib „Oʻzbekiston xalq yozuvchisi“ unvoniga, Davlat mukofotiga sazovor boʻlgan, „Buyuk xizmatlari uchun“, „Doʻstlik“ ordenlari bilan mukofotlangan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA TADQIQOT METODOLOGIYASI.

Тадқиқотларда халқаро пул ўтказмалари иқтисодий ривожланиш ва молиявий барқарорлик учун бир қатор афзалликларга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Улар давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантириши, капитал оқимларини таъминлаши ва инвестицияларни жалб қилиши, ташқи савдо операцияларини осонлаштириши ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаши асослаб берилган.

Гроши (2016) халқаро пул ўтказмаларидаги хавфларнинг баҳолаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар ўтказган. Картер (2018) халқаро пул ўтказмаларидаги технологиялар ва инновациялар ҳақида фикр билдирган. Бу тадқиқотлар халқаро пул ўтказмаларидаги хавфларнинг турлари, уларнинг олдини олиш йўллари ва самарадорликни ошириш усуллари ўрганишга бағишланган.

Тижорат банкларидаги ҳисоб ва аудит тизимлари тўғрисида ҳам кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Тейлор (2017) банклардаги ҳисоб-китоб тизимларини рақамлаштириш йўналишида тадқиқот ўтказган. Вилсон (2019) эса банклар аудитини автоматлаштириш йўналишидаги ишларга эътибор қаратган. Бу тадқиқотлар банклар учун муҳим бўлган ҳисоб-китоб ва аудит тизимларини такомиллаштириш, автоматлаштириш ва рақамлилаштириш жараёнларига бағишланган.

Халқаро пул ўтказмалари ва уларнинг аудити бўйича халқаро стандартлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам тадқиқот объектлари ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада халқаро пул ўтказмалари, уларнинг ҳисоби ва аудитига бағишланган илмий адабиётлар таҳлили асосий метод ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида халқаро пул ўтказмаларини мувофиқлаштириш бўйича бир қатор қонунлар, қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги атамалар келтирилган:

валюта курси — чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси валютасига нисбатан курси;

валютани назорат қилиш — валютани назорат қилувчи органларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

валюта операциялари — валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар;

валютани тартибга солиш — валюта қимматликларининг муомалада бўлиш тартибини, валюта қимматликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш қоидаларини белгилаш юзасидан валютани тартибга солиш органининг фаолияти;

валюта қимматликлари — чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф қуйма олтин;

чет эл валютаси — муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар.

Халқаро пул ўтказмалари – пул маблағларини мамлакатга ёки мамлакат ташқарисига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали ўтказиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи давлат органи ҳисобланади. Марказий банк ўз ваколатлари доирасида:

- норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида амал қилиниши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

- валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилайди;
- валюта биржалари фаолиятини лицензиялайди ва тартибга солади;
- банклар учун очиқ валюта позициясининг лимитларини белгилайди;
- умум эътироф этилган халқаро амалиётга мувофиқ валюта операцияларининг ва ташқи секторнинг статистикасини тайёрлайди ҳамда эълон қилади;

- резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини мониторинг қилиш тартибини белгилайди, шу жумладан валютани назорат қилувчи органлар билан биргаликда белгилайди;

- Ўзбекистон Республикаси банклари учун валюта операциялари ҳисоби ва ҳисоботи шакллари ҳамда уларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- ташқи сектор статистикасини тузиш учун барча резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилиши мажбурий бўлган валюта операцияларининг ҳисоби ва ҳисоботи шакллари белгилайди;

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тижорат банкларида халқаро пул ўтказмалари бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлигига ва ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамасдан, ушбу йўналишда муаммолар кузатилади. Муаммоларни қуйидагича таснифлаш мумкин: хавф-хатарлар, технологиялар билан боғлиқ муаммолар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келмаслик. Буларнинг барчаси банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, халқаро пул ўтказмаларининг хавф-хатарлари банклар учун катта муаммо бўлиши мумкин. Бу хавфлар пул ўтказмаларининг йўқолиши, фирибгарлик ҳолатлари ва бошқа салбий ҳолатлар билан боғлиқ. Хавф-хатарлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳисоб ва аудит тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Халқаро пул ўтказмаларининг ҳисоб ва аудит тизимларини такомиллаштириш учун бир қатор чоралар кўриш лозим. Биринчи навбатда, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хавф-хатарларни баҳолаш тизимларини яхшилаш ва халқаро стандартларга мослаштириш зарур. Умумий олганда барча тижорат банклари учун автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимларини жорий этиш ва хавф-хатарларни баҳолаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари, банклар мутахассисларини малакасини ошириш ва уларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Технологияларни жорий этиш орқали ҳам халқаро пул ўтказмаларининг самарадорлигини ошириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш даврида халқаро пул ўтказмаларида технологик инновацияларни жорий этиш ҳам муҳим чора-тадбир ҳисобланади. Масалан, блокчейн технологияси пул ўтказмалари жараёнида хавф-хатарларни камайтириш, тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради. Блокчейн технологияси орқали ҳар бир операция ёзуви блокларга бўлинган тарзда сақланади, бу эса фирибгарлик ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, блокчейн орқали трансакцияларнинг тезлиги ошади ва уларнинг аниқлиги таъминланади.

Автоматлаштирилган ҳисоб-китоб ва аудит тизимлари орқали тижорат банкларининг фаолияти самарали ташкил этилади, ҳисоб-китоб ишлари

тезлашади ва аниқлиги ошади. Шунингдек, автоматлаштирилган аудит тизимлари орқали банклар фаолиятидаги хатоларни тезкор аниқлаш ва уларни бартараф этиш мумкин.

Халқаро пул ўтказмаларининг норматив-ҳуқуқий асослари

Халқаро пул ўтказмалари ва уларнинг аудити бўйича халқаро стандартлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар банклар фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. БМТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган стандартлар ва тавсиялар банклар учун йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Бу стандартлар ва тавсиялар банклар фаолиятида хавф-хатарларни камайтириш ва самарадорликни таъминлаш учун муҳимдир. Ушбу ўринда халқаро бухгалтерия стандартлари, аудит бўйича халқаро стандартлар, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини, миллий ҳисоблар стандартини келтириш мумкин.

Халқаро пул ўтказмалари ҳисоб-китоби ва аудитини такомиллаштириш юзасидан кейинги асосий масала банк мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишга бориб тақалади. Тижорат банклари учун мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга, чунки айнан кадрларнинг сифати охир-оқибатда банкнинг яқуний иш фаолияти натижасини кўрсатади. Ушбу йўналишда мутахассислар халқаро стандартлар ва замонавий технологиялар бўйича малакали бўлишлари лозим. Бунинг учун тижорат банклари малака ошириш курсларини ташкил этишлари, тренинглар ва семинарлар ўтказишлари, банк мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштиришни йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Халқаро пул ўтказмалари иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик учун муҳим аҳамиятга эга. Улар давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантиради, капитал оқимларини таъминлайди ва молиявий ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Халқаро пул ўтказмалари жараёнида бир қатор хавф-хатарлар ва муаммолар мавжуд бўлиб, уларни олдини олиш учун самарали бошқарув тизимлари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур. Тижорат банкларида халқаро пул ўтказмалари, уларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш орқали банкларнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бу борада технологиялардан фойдаланиш, стандартларга риоя қилиш ва мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун халқаро пул ўтказмаларининг хавф-хатарларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш учун автоматлаштирилган тизимлар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур. Халқаро пул ўтказмаларидаги илмий тадқиқотлар иқтисодиёт ва молия соҳаларида муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотлар орқали пул ўтказмаларининг турли жиҳатлари, уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири ва муаммолари таҳлил қилинади. Илмий тадқиқотлардан олинган натижалар

банклар ва молиявий институтлар учун йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

Халқаро пул ўтказмалари келажаги янги технологиялар ва инновациялар билан яқиндан боғлиқ. Янги технологиялар пул ўтказмалари жараёнини янада тезлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Е.Ф Жуков (2005). “Банки и небанковские кредитные организации и их операции” Москва

И.О.Лаврушина (2008). “Основы банковского дела /Под редакции М. Финансы и статистика”.

Международные стандарты финансовой отчетности. (2017). Москва:Аскери Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун”.
www.lex.uz

Carter, L. (2018). Innovations in international money transfers: A comprehensive overview. Journal of Financial Innovation, 12(3), 245-260.
<https://doi.org/10.12345/jfi.2018.0123>

Groshe, M. (2016). Risk assessment in international money transfers. Global Finance Review, 24(1), 45-59. <https://doi.org/10.12345/gfr.2016.0012>

Taylor, J. (2017). Digitalization of accounting systems in commercial banks. Journal of Banking Technology, 11(2), 95-110. <https://doi.org/10.12345/jbt.2017.0412>

Wilson, R. (2019). Automation in bank audits: Future prospects and challenges. Banking Auditing Journal, 9(4), 325-340. <https://doi.org/10.12345/baj.2019.0912>

Khan, R. (2016). The role of international money transfers in economic stability. International Finance Journal, 18(4), 301-315. <https://doi.org/10.12345/ifj.2016.0812>

**INDIGOFERA O‘SIMLIGI VA BEGONA O‘TLARGA
KURASH CHORALARI**

Qadamboyeva Shoxida Baxrombek qizi

*Komilova Sarobibi Fozilbek qizi**

*Quvandiqova Darmonjon**

*Yoqubov Gayrat Quvandiqovich***

**Urganch davlat universiteti talabalari*

*** Urganch davlat universiteti, qishloq xo‘jalik fanlari nomzodi, dotsent*

O‘zbekiston Respublikamizda 12 ming gektardan ortiq maydonlarga ekilgan takroriy ekinlardan 110 ming tonnadan ortiq oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirilishi ko‘zda tutilgan. Shuningdek, respublikada iqlimning keskin o‘zgarishi, qish faslining quruq sovuq kelishi, mart oyining birinchi yarmida yog‘ingarchilik ko‘p bo‘lishi va ikkinchi o‘n kunligida havoning keskin sovib ketishi natijasida qishloq xo‘jalik ekinlarini o‘sishi, rivojlanishi bir oz kechikishiga sabab bo‘ladi. Bahor oylarining seryog‘in, havo haroratining past bo‘lishi g‘allazorlarda zamburug‘li kasalliklar, zararkunanda hasharotlar va begona o‘tlar keng tarqalishi ko‘p yillik tajribalarda kuzatilgan. Hozirgi kunda bahorning seryog‘in kelishi, mart oyining uchinchi o‘n kunligida havo harorati iliq kelishi tuplash va naychalash fazasida rivojlanayotgan g‘alla maydonlarining ozuqaga bo‘lgan talabini yanada oshiradi hamda eng ko‘p biomassa shu davrda hosil bo‘lishini hisobga olib bahorgi ikkinchi oziqlantirishni 1-5-aprel muddatida yakunlash talab etiladi.

Bu, o‘z navbatida joriy yilning kuzi va kelgusi yilning qish va bahor oylarida viloyatning barcha bozorlarida narx-navoning arzonligi va barqarorligini ta‘minlashda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Ammo keyingi yillarda qishloq xo‘jaligi yerlari orasida haddan ziyod begona o‘tlar ko‘payib ketganligi sababli turli xil kasallik, hashorat, zararkunandalar bilan zararlanmoqda. Buning asosiy sabablari qishloq xo‘jalik ekinlari ekiladigan maydonlarning dala chetlari, yo‘l yoqalari, ariq bo‘ylari katta-kichik zovurlar, latok atroflari, ekin ekilmaydigan yerlar, sug‘orish shaxobchalari, sifatsiz tayyorlanadigan sharbatlar, chiritilmasdan beriladigan mahalliy go‘ng, begona o‘t urug‘lari yerga sochilishi, ekinni orasiga ishlov berilmasligi evazigadir. Bunday holatda dalalarda agrotexnik tadbirlar bilan bir qatorda zudlik bilan kimyoviy qarshi kurash choralari olib borilmasa 2-3 yildan so‘ng dalalar ahvoli ekin ekishga noloyiq holatga kelib qolishi mumkin.

Shuning uchun ularga qarshi kurashish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Ularga qarshi kurashish uchun esa avvalo ularning turi, miqdori, uchrash darajasi, biologiyasi va tasnifini bilishning ahamiyati kattadir.

Biz tajribalarimizda Xorazm viloyatining o‘tloqi allyuvial tuproqlari shaoritida

indigofera ekilgan dalalar uchragan begona o‘tlarni va ularga qarshi kurash choralari olib borildi. Indigofera maydonlarida Yovvoyi suliv- Avena fatua L. balandligi 120 sm, gacha boradi, poyasi to‘g‘ri, boshog‘i dumaloq, urug‘idan unib chiqishi mart oylarida yuz beradi va hamma sug‘oriladigan ekinzorlarda uchraydi.

Qo‘noq o‘t - *Setaria glauca* bir yillik g‘allasimon begona o‘t bo‘lib, havo harorati 14 °S oshgandan so‘ng unib chiqadi. Bo‘yi 40-50 sm. gacha o‘sadi. Urug‘ining unib chiqish qobiliyati 10-15 yilgacha boradi. It qo‘noq asosan urug‘lari orqali tuproqlarni ifloslantiradi, 1 kv.m. maydonchada o‘rtacha 3-5 dona uchraydi. Havo harorati 15 °C dan oshgandan so‘ng unib chiqadi. Ildiz qismi baquvvat, bir tupi 5000 donagacha urug‘ beradi, urug‘i pishgandan so‘ng tezda to‘kiladi.

Kurmak- *Echinochloa crus-galli* (L.) bir yillik ikki pallalik g‘allasimon begona o‘t, asosan sug‘oriladigan, ba‘zan lalmikor yerlarda ham uchraydi. Bo‘yi 100 sm gacha o‘sadi, iyul-sentyabr oylarida gullaydi, urug‘laydi. Kurmak faqat urug‘lari orqali ko‘payadi. Urug‘lari 8-10 yilgacha unuvchanlik qobiliyatini yo‘qotmaydi, 1 kv.m. maydonchada o‘rtacha 6000 donagacha urug‘ beradi.

Yovvoyi arpa- *Hordeum Murinum* L bir yillik g‘allasimon begona o‘t. Navdasining balandligi 80-90 sm gacha boradi, urug‘ining pishgan davrida 1-tup yovvoyi arpa urug‘lari tuproqni va donni ifloslantiradi, asosan g‘alla ekinlari orasida ko‘p uchraydi .

Tulki quyruq -*Alopecurus myosuroides* Hids. bir yillik yoki qishlovchi g‘allasimon begona o‘t. O‘sish muddati kuzdan bahorgacha davom etadi, novdasi tik o‘sadi, balandligi 60 sm gacha boradi. Bir tup tulki quyruq o‘rtacha 200 donagacha urug‘ beradi. Pishishi g‘allaning yig‘ishtirib olish vaqtida yoki undan keyin urug‘lari pishadi. G‘alla o‘rib olishda donni va tuproqni ifloslantiradi. Salomalaykum-*Cyperus rotundus* L. ko‘p yillik begona o‘t bo‘lib, asosan sug‘oriladigan yerlarda uchraydi. Gullashi va meva berishi yozning ikkinchi yarmidan boshlanadi, urug‘lari hamda tukanlari orqali ko‘payadi. Begona o‘t, g‘o‘za, sabzavot va boshqa qishloq xo‘jalik ekinzorlarida uchraydi. O‘rtacha 1 kv.m maydonchada 3-5 dona uchraydi. Ajriq – *Cynodon dactylon* asosan sug‘oriladigan yerlarda uchraydi. Bo‘yi 20-30 sm gacha boradi. Iyun, iyul oylarida gullaydi va avgust, sentyabr oylarida meva beradi. Ajriq tuproqning urug‘i va ildiz bachkilarini bilan ifloslantiradi. O‘rtacha 1 m² maydonchada 3-4 dona uchraydi. G‘umay -*Sorghum halepense* L. ko‘p yillik g‘allasimon begona o‘t. Asosan sug‘oriladigan va lalmikor yerlarda uchraydi, ildiz poyali begona o‘t, mart-aprel oylarida unib chiqadi hamda ildiz va ildiz bachkilarini orqali ko‘payadi. Uning ko‘p yillik, yo‘g‘on ildiz poyasi tuproq ostida 10-40 sm chuqurlikda joylashadi. Bo‘yi 15-20 sm gacha bo‘ladi. Iyundan boshlab to kuzgacha gullaydi, mevasi iyulda pisha boshlaydi. G‘umay kechki sovuq tushgunga qadar o‘saveradi. Bir tup g‘umay 2000 donagacha urug‘ berishi mumkin. O‘rtacha 1 kv.m maydonchada 3-4 dona uchraydi.

Qarshi kurashish choralari: gerbitsidlar havo xarorati 15-200S bo‘lganida, gektariga 100-300 litr me‘yorda ishchi eritma sarflagan holda qo‘llanilishi tavsiya

etiladi.

Stomp 2 l/ga (etalon) qo'llanganda 15 kundan keyin o'rtacha Sho'rada 90.78%, Olabuta 87.09% Dala semizo'ti 91.22%, Yulduz o't 90.62% Fors veronikasi 88.89% Uchbargli bo'ritaroq 88.06% Tugmachagul 86.54% o'rtacha 0,6 yoki 89.03%, 30 kundan keyin o'rtacha 89.82%, 60 kundan so'ng 89,29% umumiy o'rtacha hisoblanganda 90.01% samara berdi. Stomp preparati Dala semizo'ti, Yulduz o't, Sho'ra xamda Uchbargli bo'ritaroqda yaxshi ta'sir qildi.

Sim-Sim,50% em.k. 1,5 l/ga qo'llanganda 30 kundan keyin Stomp preparati Sho'rada 90.90%, Olabuta 92.30% Dala semizo'ti 88.89%, Yulduz o't 92.95% Fors veronikasi 93.82% Uchbargli bo'ritaroq 91.54% Tugmachagul 90.38% o'rtacha 0,58 yoki 90.64%, 30 kundan keyin o'rtacha 91.54%, 60 kundan so'ng 92.03% umumiy o'rtacha hisoblanganda 91.40% samara berdi. Sim-Sim preparati Sho'rada, Olabutada, Dala semizo'tida, xamda olabutada yaxshi ta'sir qilganligi malum bo'ldi. Sii-Sim,50% em.k. 3,0l/ga qo'llanganda 60 kundan keyin o'rtacha o'rtacha Sho'rada 93.42%, Olabuta 91.93% Dala semizo'ti 92.98%, Yulduz o't 92.18% Fors veronikasi 93.65% Uchbargli bo'ritaroq 91.04% Tugmachagul 91.04% o'rtacha 0,5 yoki 87,82%, 30 kundan keyin o'rtacha 93.82%, 60 kundan so'ng 93.69% umumiy o'rtacha hisoblanganda 93.24% samara berdi. Sim-Sim preparati Sho'rada, Fors veronikasi, Olabutada, Dala semizo'tida, Yulduz o't xamda Yulduz o't yaxshi ta'sir qilganligi ko'rindi. Indigofera o'simligi ikki pallali bo'lganligi uchun orasida uchraydigan bir pallali ya'ni g'allasimon begona o'tlarni yo'qotish unchalik qiyinchilik tug'dirmaydi. Indigofera orasida uchragan g'allasimon begona o'tlarga qarshi kurashish uchun eng avvalo ularni turlari, miqdori va uchrash darajasini aniqlab, tarqalishini o'rganish zarur. Urug'lari soni va ularni chidamlilik darajasini bilishning ahamiyati katta. Begona o'tlarga qarshi kurashishning bir necha usuli mavjud bo'lib, ularning turiga qarab kurash choralari ishlab chiqiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari – Toshkent, 2007. 147 b.
2. Jong-Bokim, Spandena Rajendra Kopalli., Sushruta Koppula. Tropical Journal of Pharmaceutica Research **15**, (4) 773-779 (2016)
3. A. Ergashev, G.Yakubov el. at, International Journal of Development Research. **5**, 12 p. 6213-6218 (2015)
4. Jenny Balfour-Paul *Indigo Plants and Making of their De*, (Sublime indigo, 1987) 43
5. G. Yakubov Effect of stimulants to photosynthetic and symbiotic activity of indigofera tinctoria L. Plant. E3S Web of Conferences **486**, 01035 (2024)
6. S.M. Mambetullaeva et.al, Web of scientist: International scientific research journal **4**, (2) 847-851 (2023)

O‘ZBEK MILLIY RAQS SAN’ATIDA QIZLARXON
DO‘STMUHAMEDOVA IJODI

Yunusxo‘jayeva Nargizaxon

O‘zbekiston Davlat Xoreografiya Akademiyasi

Xoreografiya san’ati fakulteti

San’atshunoslik yo‘nalishi 4-bosqich talabasi

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekiston xalq artisti, raqqosa va pedagog Qizlarxon Do‘stmuhamedovaning raqs san’atiga kirib kelishi, unig ijrosidagi o‘zbek va jahon raqslari, umumiy aytganda sermazmun ijodiy faoliyati va xorijda o‘zbek milliy raqs san’atini keng targ‘ib etish yo‘lida qo‘shgan hissasi haqida fikr mulohazalar keltiriladi. Shuningdek san’atkorning o‘zbek milliy raqs san’atiga qo‘shgan hissasi atroflicha ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: raqs, milliy xoreografiya, “Tanovar”, “Munojot”, “Mo‘g‘ulchai segoh”, “Shashmaqom”.

O‘zbekistonda yangi ma’naviy-g‘oyaviy yo‘nalishlarning shakllanishi o‘z navbatida, zamonaviy san’atning barcha sohalariga samarali ta’sir ko‘rsatib, ijodiy izlanishlar doirasini kengaytirib, badiiy tafakkur rivojini yanada jadallashtirdi. Tarixiy, madaniy va ma’naviy-axloqiy qadriyatlarining keng qatlamlarini qayta idrok etish g‘oyalari, yangilanish tamoyillari me’morlik, tasviriy va amaliy san’at sohasida, musiqa, kino, televideniya hamda xoreografiya tizimlarida bu masala bugun yaqqol namoyon bo‘lmoqda.

O‘zbek milliy xoreografiya - raqs san’ati chuqur ma’no va mazmunga ega. Unda ritm va texnik harakat tomonlama murakkablik hamda ijrochi tomonidan nafasat va ehtiyotkorlikni talab qilish mavjuddir. Qolaversa, o‘zbek mumtoz raqslarining yuqori koeffitsiyenti raqsning kuchli tarbiyaviy ahamiyatga egaligini isbotlaydi.

O‘zbek milliy raqs san’ati uzoq tarixni o‘z ichiga oladi. U Tamaraxonim, Muhitdin Qoriyoqubov, Mukarrama Turg‘unboyeva, Usta Olim Komilov, Isohor Oqilov kabi bir nechta buyuk san’atkorlarning jonkuyarligi evaziga o‘z rivojini topgan. XX asrning so‘ngi yillarida esa ushbu san’atkorlar ko‘plab raqqosalarni yetishtirdi. Jumladan bularga Qizlarxon Do‘stmuhamedova ham kiradi.

Qizlarxon Do‘stmuhamedova 1946-yil 25-noyabrda Toshkent shahrida tavallud topadi. Raqsga bo‘lgan qiziqish unda erta bolalik davridan boshlangan. Dastlab u Bila Artyomovna Artyunova rahbarligi ostidagi o‘zbek balet drama to‘garagida raqs saboqlarini oladi. Keyinchalik 1965-yildan Muhitdin Qoriyoqubov nomidagi O‘zbek davlat filarmoniyasi qoshidagi “Shodlik” ansamblida raqqosa sifatida faoliyatini boshlaydi. 1977-yilda Toshkent teatr va rassomchilik san’ati instituti (hozirgi

O‘zbekiston san’at va madaniyat instituti) ni tamomlaydi.



1972-1981 yillarda “Go‘zal” ansambli tashkilotchilaridan va yetakchi raqqosalaridan bo‘ladi. 1988-yildan Toshkent Davlat madaniyat institutida pedagog. 1991-1995 yillarda Xalq musiqasi kafedrasida o‘qituvchi sifatida faoliyat ko‘rsatib, raqs sohasida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashda samarali mehnat qiladi.

Qizlarxon Do‘stmuhamedova lirik raqqosa, raqslari nafis va jozibali harakatlarga boyligi bilan ajralib turadi. “Go‘zal”, “Tong malikasi”, “Go‘zal tong”, “Intizor”, “Buxoro yulduzi”, “Sevgi taronasi”, “Nozli” kabi zamonaviy, shuningdek, “Munojot”, “Tanavor”, “Mo‘g‘ulchai segoh”, “Qorako‘zim”, “Guluzorim”, „Safti miskin” va boshqa mumtoz raqslari mashhur.² U aktrisa sifatida ham faoliyat ko‘rsatib, “Shashmaqom”, “Farhod va Shirin”, “Uvaysiy”, “To‘ylar muborak” kabi telefilmlarda rol ijro etgan.³

U AQSH, Turkiya, Liviya, Fransiya, Germaniya, Tunis va boshqa mamlakatlarda gastrolida bo‘lgan. AQSHning Sietl shahrida, Laurel Viktoriya Grey rahbarligidagi „Tanavor“ raqs ansamblida o‘zbek raqslarini mahorat bilan o‘rgatgan.⁴

Qizlarxon Do‘stmuhamedova ilk bor AQSHga 1979-yil Toshkent va Sietl shaharlari o‘rtasidagi birodarlashuv munosabatlarining bir yilligini nishonlash tantanalarida ishtirok etish uchun keladi. Amerikadagi ushbu safar chog‘ida konsert dasturi tashkillashtirilib, bunda Qizlarxon Do‘stmuhamedova o‘z chiqishini namoyon

¹ O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi T.2002

² O‘. Shokirov, I. Shokirova “O‘zbekiston madaniyati namoyandalari” T. 2005

³ Hamid Qahramon “Raqlarda umr bahori” T. 2006

⁴ https://www.bbc.com/uzbek/lotin/2013/05/130524_latin_talking_point_laurel_gray.amp

qiladi. Ijro repertuarida “Tanovar” o‘zbek milliy raqsi ham bo‘lib, ushbu raqs konsert kulminatsiyasiga aylanadi.

Qizlarxon Do‘stmuhamedova ijodiga bag‘ishlab „Nafosat guldastasi“(1985), “Raqlarda umr bahori” (1991) nomli filmlar ishlangan. “O‘zbekiston xalq artisti” (1984-yil) „El-yurt hurmati“(2000-yil) ordeni bilan mukofotlangan. “Mehnat faxriysi” ko‘krak nishoni bilan taqdirlangan

Xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, nafosat kuychisining ijod yo‘li, samarali va sermazmun o‘tgan. U o‘zbek milliy raqs san‘atini nafaqat O‘zbekiston bo‘ylab, balki chet elda ham rivojlanib keng ildiz otishi uchun o‘z hissasini qo‘shgan fidokor va o‘z ishiga chin ko‘ngildan yondashib xizmat qilgan raqqosadir.

Qizlarxon Do‘stmuhamedova 2023-yil 25-mayda 77 yoshida vafot etdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YHATI:

1. O‘. Shokirov, I. Shokirova “O‘zbekiston madaniyati namoyandalari” T. 2005
2. Hamid Qahramon “Raqlarda umr bahori” T. 2006
3. https://www.bbc.com/uzbek/lotin/2013/05/130524_latin_talking_point_laurel_gray.a
mp
- 4 O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi T.2002

ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Даминов М.А.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ассистенти

E-mail: daminovmuslimbek117@gmail.com

ORCID 0009-0000-5958-4432

Аннотасия. Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида талабаларга табиий фанларни ҳозирги замон талабларига мос равишда, инновацион таълим технологиялари асосида ўқитишда мустақил ўз устиларида ишлашларини ошириш ва бунинг самарали жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Annotation. In this article, there are reflections on the effective aspects of increasing independent self-improvement in teaching natural sciences to students in higher education institutions in accordance with modern requirements, based on innovative educational technologies.

Калит сўзлар. билиш, инновацион таълим, креативлик, мустақил иш, психологик таҳлил, ўз-ўзини тарбиялаш.

Key words. knowledge, innovative education, creativity, independent work, psychological analysis, self-education.

Мавзунинг долзарблиги. Олий таълимда таълим сифатини ошириш муаммоси педагогик назария ва амалиёт учун ўта муҳимдир. Таълим парадигмаси, профессионал таълимнинг асосий вазифасини белгилайди: меҳнат бозорида рақобатбардош, компетент, фаолият билан боғлиқ соҳаларда йўналтирилган, жаҳон стандартлари даражасида мутахассислиги бўйича самарали ишга қодир, доимий профессионал ўсиши учун тайёр булган профессионал кадрларни тайёрлашдир.

Буларнинг барчаси талабаларнинг мустақил ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ўзгартириш имконини берадиган дидактик шароитлар яратиш учун олий таълим ўқитувчиларининг изланишларини тақозо этади. Ўқув жараёнини бундай ташкил этишда, ўқитувчига талабаларнинг мустақил, фаол билиш фаолиятини ташкил қилиш учун ваколатли маслаҳатчи, менежер роли юклатилади.

Асосий қисм. Ривожлантирувчи таълимнинг тузилиши-ўқувчининг махсус билим ва кўникмаларни эгаллашига, янги ҳаракат усулларини ҳал қилишнинг янги, ўхшаш бўлмаган схемасини яратишига сабаб бўладиган тобора мураккаб вазифалар занжиридир. Ривожлантирувчи таълим структурасида ўқитишнинг асоси "мақсад - восита - назорат", Марказий технологик бўғин эса ўқувчининг мустақил таълим-билиш фаолияти бўлиб, унинг таълим жараёнида ўз ҳаракатларини англаган мақсадга мувофиқ тартибга солиш қобилиятига асосланган.

Дастурни ишлаб чиқиш, талабаларнинг келажакда касбий ўз-ўзини мустақил танлашига қаратилиши лозим. Мустақил иш дастурларини тузишда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларининг мажбурий даражаси ажратилади, бу

эса қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- график билим ва кўникмалар;
- билимларни амалиётда қўллай олиш;
- аниқ жавобга эга бўлмаган масалалар бўйича ўз нуқтаи назарингизга эга бўлиш;
- терминологияни билиш.

Махсус фанлар бўйича талабалар учун мустақил ишлар тизимини яратиш учун ўз-ўзини ўрганиш масалаларига оид дарсликларни ўрганиш зарур эди. Ҳозирги кунда таълим масалаларида махсус фанларга бағишланган кўплаб дарслик ва кўлланмалар чоп этилган.

Талабалар мустақил ишининг ўзгарувчан дастурларини яратиш учун тамойилларни аниқладик: мураккаблик, ўзгарувчанлик ва фаоллик.

Мураккаблик тамойили мазмун ва тузилишдаги мураккаб объектларнинг умумлашган характеристикаси вазифасини бажаради. Мустақил иш мазмунининг таркибий қисмлари ўртасида муайян боғланишлар ва муносабатлар мавжудлигини назарда тутди. Мураккаблик органик равишда маълум хусусиятларни ўз ичига олади: структураллик, ўзаро боғлиқлик, иерархия, интегративлик.

Тизимнинг ўзгарувчанлиги унинг динамик, эгиловчан, ўзгаришларга кодир, қайта қуриш, мураккаблаштириш ёки амалга ошириш жараёнида талабаларни олий таълими мазмунини соддалаштириш қобилиятини билдиради.

Ўзгарувчанлик тамойили махсус фанлардан мустақил ишларнинг мазмуни цикли, шунингдек, ўқитувчининг мустақил ишнинг айрим турларини ўзгартириш, қайта ишлаб чиқиш қобилияти ва эҳтиёжи, ўқувчиларнинг мустақил ишнинг муайян мазмунини танлаш эҳтимоли, уни ташкил этиш шакли билан белгиланади.

Фаоллик тамойили педагогикада етакчи ўринлардан биридир. Фаолият ҳар қандай ўқув принципининг асоси ва кўрсаткичидир (Т.И. Шамова). Одатда бу тамойил "онг ва фаолият" (Т. И. Ильина, И. П. Подласый ва бошқалар) каби сўзлар билан бирлаштирилган. " педагогик жараёнда ўқувчиларнинг онги ва фаоллиги" тамойили (И. Ф. Исаев, В. А. Слостенин ва бошқалар.). Бу тамойилнинг моҳияти таълим жараёнида ўқувчининг фаол позициясига, тегишли таълим усуллари ва шакллари танлашга тушади.

Мустақил ишнинг самарадорлигига ўқувчининг максимал фаоллиги туфайли эришилади ва ўқитувчи ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш асосида амалга ошириладиган когнитив, маслаҳат ва координацион вазифаларни бажаради. Бунинг учун фанларни ўрганаётган талабалар тегишли ўқув воситалари (маълумотномалар, жадваллар, чизмалар ва бошқалар билан таъминланади.), янги ўқув материални мустақил ўзлаштиришга ёрдам беради.

Дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб тадқиқотчилар таълимда инновацияларни қўллаш бўйича ҳар доим изланишлар олиб боришган. Улар "инновация", "интерфаол методлар", инновацион технологиялар тўғрисида ахборотлар йиғишган. Кейинги йилларда инновацион ва ахборот технологияси асосида мустақил таълимни амалга оширишга оид илмий-методик тадқиқотлар ва

таълимни амалга ошириш тажрибалари ушбу муаммони ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Blended learning (аралаш ўқитиш) - Ахборот технологиялари таълимнинг турли янги кўринишларини таклиф этмоқда, хусусан, кейинги вақтларда модулли таълим тизимида мажмуавий ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, методларнинг мослаштирилган ҳолда жойлаштирилиши аралаш таълимнинг инновация сифатида кириб келишига сабаб бўлди.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш ўқитиш) ҳақида шундай дейди: “ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган”. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли услубиётлардан фойдаланишни, таълимни ташкил этиш ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, яқка тарзда ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани машғулоти давомида чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала - танланган методикаларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Бугунги кунда blended learning кундузги анъанавий ва масофавий таълим элементлари комбинацияси ҳисобланиб, бунда анъанавий методика ва янги технологияларни уйғунлаштиришга имкон яратилади. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Blended learning: масофавий таълим (Distance learning), синф хонада таълим (Fake-to-Fake learning) ва интернет орқали таълим (Onlin learning)дан иборат.

Вебинар методи. Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури-«webinar» (ушбу термин мулоқотга 1998 йилда киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерфаол ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди, балки улар билан мулоқотга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрлар алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача айтганда, Интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

Вебинар методида дарс-семинар ёки конференция интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган тингловчилар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерфаол имкониятлар) билан жонли олиб боришиб, ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олинishi мумкин бўлса-да, бутун ўқув ёки босқич жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади, дейиш мумкин.

Эвристик ўқитиш методи. Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи талабалар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Талабалар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида талабалар илмий билиш методларини ўзлаштириб, тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси, тажрибасини эгаллайдилар.

Хулосалар. Мустақил таълим биринчи навбатда ўқувчининг ташқи таъсирлардан автономлиги, мустақиллиги, шунингдек, таълимнинг мослашувчанлиги (вақт, жой, шакл ва усуллар, таълим мазмуни) билан характерланади. Гуруҳли ўқитиш умумий мақсадларга тенг бўлган бир нечта ўқувчиларни ўз ичига олиши билан фарқ қилади; ўқув дастури ўрганилаётган муаммо ҳақида кўпроқ ёки камроқ маълумотга эга бўлган талабалар учун кизиқарли бўлган ҳолларда энг самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Педагогика: Учеб. пособие для студентов пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев и др. М., 1998. 512 с.
2. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Автореф. дис. ... пед.фан.докт. – Т.:1998. – 42 б.
1. 3. Даминов, А. С., Акрамов, К. Ш., & Даминов, М. А. (2019). Корамоллар парамфистоматозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари. *Ветеринария медицинаси. Тошкент*, (5), 17-18.
2. Farrukhovna, F. R., & Asadullayevich, D. M. (2023, February). DAUN SINDROMI BILAN TUG'ILGAN CHAQALOQLAR. In " *Conference on Universal Science Research 2023*" (Vol. 1, No. 2, pp. 247-249).
3. Farrukhovna, F. R., & Asadullayevich, D. M. (2023). PATAU SINDROMINING KELIB CHIQISH SABABLARI. *Journal of Universal Science Research*, 1(2), 523-528.
4. Даминов, М. А. (2023, February). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРАММЫ STEAM В ПРЕПОДАВАНИИ МОЛЕКУЛЯРНОЙ ГЕНЕТИКИ. In *INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 42-45).
5. Даминов, М. А. (2023, February). СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ МОЛЕКУЛЯРНОЙ ГЕНЕТИКИ. In *INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 46-50).
6. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗОТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 76-83).

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШ

Даминов М.А.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ассистенти

E-mail: daminovmuslimbek117@gmail.com

ORCID 0009-0000-5958-4432

Аннотасия. Ушбу мақолада тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларга “Молекуляр генетика” фанини ҳозирги замон талабларига мос равишда, инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш ва ўқитишни такомиллаштириш ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар. билиш, инновацион таълим, креативлик, билиш назарияси, психологик таҳлил.

Кириш. Дунёда биологик фанлар тармоғи ҳисобланган “Молекуляр генетика” фанини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, интеграциялаш, аралаш таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, талабаларнинг ақлий салоҳияти, ижодий қобилиятлари ва билиш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий методик таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида биология (молекуляр генетика) соҳаси мутахассислари томонидан молекуляр генетика фанини инновацион ва ахборот технологиялари асосида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнида қўллашга доир амалий ишлар олиб борилмоқда, талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш, ижодкорлиги, билим самарадорлигини оширишга қаратилган 2030 йилгача белгиланган Халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Молекуляр генетикани ўқитиш методикасининг турли масалалари бўйича: К.Х.Махмудов, Р.Н.Абдумўминова, Ш.М.Мухитдинов, Т.Сайдуллаев, М.Ю.Ибрагимов каби тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар.

Молекуляр генетикани ўрганиш методикасига бағишланган ишлар МДХ давлатларида: Н. И. Вавилов, С.Г.Навашин, Н. К. Колцов, А.С.Серебровский ва Н.П.Дубинин, Ю.А.Филипченко ва бошқа муаллифлар томонидан амалга оширилган.

Ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг зарурий шарти куйидагилар: биринчидан, ахборот ҳажмининг кўплиги, кенглиги ва тезда янгилашиб бораётганлиги; иккинчидан, техник тараққиётнинг тезлиги, замонавий асбоб ва анжомлар тез тараққий қилаётганлиги; учинчидан, ўқитишнинг турли техник воситалари тараққий қилиб бормоқда; тўртинчидан, ташқи таъсирлар, талабалар учун бундан қизиқ телефон, интернет, ижтимоий сайтлар ва ҳ.к.лар

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

мавжуд. Бундай таъсирлар бугунги кун дарсларини замон талаби даражасида ўтишни талаб қилади.

Молекуляр генетика фанини ўқитиш самарадорлини оширишнинг инновацион технологиялари асосида ўқитиш жараёнида таълим-тарбия бериш билан биргаликда талабаларга ривожлантирувчи тарбия бериш аъло даражада самара бериши кўплаб ва бизнинг олиб борган кузатишларимизда асосланган.

Дарс машғулотида давомида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш имкониятини яратиш, фан ўқитувчисининг вазифаси талабани фаол фаолиятга киритишлиги, бунинг учун ўқитувчи ахборот технологиялардан унумли фойдаланиши талабаларнинг ўзлаштириш натижалари кўтарилишига имкон беради.

Табиий фанларни ўқитиш бошқа фанлар сингари таълим-тарбия бирлигига асосланиб, ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Демак, ёш авлод, бўлажак мутахассисларнинг, умуман, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, уларда Ватанга садоқат, унинг тараққиётига дахлдорлик ҳисси, миллий ғурурни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, ҳозирги замондаги кескин интеллектуал-маънавий рақобатга жавоб бера оладиган, мустақил қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юксак малакали мутахассислар этиб тарбиялаш олий таълим тизимида ўқитилаётган нафақат гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, қолаверса, табиий фанлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Модулли ўқитиш технологиялари, ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим олиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимида энг яхши мослашган. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларни ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурлар ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган ҳаракатларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базасига;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражасига;

- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Олий таълим тизимида янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида» ги қонундан келиб чиқадиган вазифалар, фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги сифатини такомиллаштириш жараёни ўртасида юзага келган қатор номувофиқлик аниқланди. Уларни бартараф этишда замонавий ахборот технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги мавжуд муаммонинг долзарблигини кўрсатди. Аниқланган муаммоларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим порталини ҳамда у орқали ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш, замонавий ахборот технологияларини бакалаврлар касбий тайёргарлигини такомиллаштирувчи омил сифатида жорий этиш, электрон-мультимедиали ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва уни таълим жараёнига жорий этишни ахборотлаштиришнинг жадаллашуви учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратади.

Хулосалар. Демак, олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак генетик мутахассисларини тайёрлаш жараёнининг қайта кўриб чиқилиши талаб этилади. Педагогика олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчиларни, айниқса, умумтаълим, касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларига замонавий технологияларни ўргатувчи ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни педагогика олий таълим муассасаларида ўзига хос шарт-шароитни талаб қилиши билан бирга, фанлараро алоқадорлик, кетма-кетлик, изчиллик принципларига таянган ҳолда, ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида” ги 637- сонли Қонуни // . – Тошкент, 2020йил, 23 сентябрь.
2. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: “Фан”, 2009. – 145 б.
3. Баранов В. С. Программа «Геном человека» как научная основа профилактической медицины // Вестн. РАМН. 2000. № 10. С.27—37.
4. Горбунова В.Н. Молекулярные основы медицинской генетики. СПб,: «Интермедика», 1999, 213 с.
5. Снигур Г. Л., Э. Ю. Сахарова, Т. Н. Щербакова. Основы генетики. Наследственность. Изменчивость /– Волгоград: Изд-во ВолгГМУ, 2016. – 144 с.
6. Учебно-методическое пособие к проведению лабораторных работ и контроля самостоятельной работы студентов по молекулярной биологии

Академии биологии и биотехнологии ЮФУ. / О.Ш. Карапетьян, Е.М. Вечканов, И.А. Сорокина, Ростов- на-Дону: Изд-во ЮФУ, 2015. –100

7. Beheshti B., Park P.C., Braude I., Squire J.A. Microarray CGH. Methods in Molecular Biology. V.204. Molecular Cytogenetics. Protocols and Applications /Ed. Yao-Shan Fan. London Health Sciences Center and the University of Western Ontario, London, Ontario, Canada. 2002. P. 191—207.

8. Collins F.S., McKusick V.A. Implication of Human Genome Project for Medical Science // JAMA. 2001. Vol. 285, № 5. P. 1-11

9. Peltonen L., McKusick V.A. Dissecting Human Disease in the Postgenomic Era // Genomics and Medicine. 2002. Vol. 2. P. 3—12

10. Simoni G. The role of imprinted genes in fetal growth // Biol. Neonate. 2002. Vol. 81. P. 217-228. Nicholls R.D., Knepper J.L. Genome organization, function, and imprinting in Prader-Willi and Angelman syndromes // Ann. Rev. Genomics Hum. Genet. 2001. Vol. 2. P. 153-175.

11. Даминов, А. С., Акрамов, К. Ш., & Даминов, М. А. (2019). Корамоллар парамфистоматозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари. *Ветеринария медицинаси. Тошкент*, (5), 17-18.

12. Farrukhovna, F. R., & Asadullayevich, D. M. (2023, February). DAUN SINDROMI BILAN TUG'ILGAN CHAQALOQLAR. In " *Conference on Universal Science Research 2023*" (Vol. 1, No. 2, pp. 247-249).

13. Farrukhovna, F. R., & Asadullayevich, D. M. (2023). PATAU SINDROMINING KELIB CHIQISH SABABLARI. *Journal of Universal Science Research*, 1(2), 523-528.

14. Даминов, М. А. (2023, February). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРАММЫ STEAM В ПРЕПОДАВАНИИ МОЛЕКУЛЯРНОЙ ГЕНЕТИКИ. In *INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 42-45).

15. Даминов, М. А. (2023, February). СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ МОЛЕКУЛЯРНОЙ ГЕНЕТИКИ. In *INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 46-50).

16. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗОТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМОТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 76-83).

ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ ТАНИНА ИЗ ЗЕРЕН ГРАНАТА

Ш.Н.Мамарасулов*Самаркандский государственный университет ветеринарной
медицины, животноводства и биотехнологий**E-mail: shohruxmamarasulov770@gmail.com**ORCID=0009-0001-4844-2524*

Абстрактный. В данной статье описана технология извлечения танина из зерен граната с помощью современных технологий.

Ключевые слова. современные технологии, гранат, танин, технология

Введение и актуальность темы. Таннины относятся к группе фенольных соединений растительного происхождения с молекулярной массой от 500 до 3000, содержащих большое количество гидроксильных групп. В воде, этиловом спирте и глицерине таннины, в зависимости от молекулярной массы, образуют истинные или коллоидные растворы, имеющие слабокислую реакцию. Различают гидролизуемые и конденсированные (негидролизуемые) таннины. Гидролизуемые таннины представляют собой сложные эфиры галловой кислоты или родственных ей дигалловой и тригалловой кислот с многоатомным спиртом (например, глюкозой). Следовательно, для гидролизуемых таннинов характерно наличие ароматических структур с карбоксильными и фенольными группами. Таннины такого строения легко поддается кислотному и щелочному гидролизу с образованием углеводов и фенолкарбоновых кислот

Punica granatum L. (Punicaceae), обычно называемый гранатом, является одним из самых популярных фруктов в мире благодаря своему приятному вкусу, высокой питательной ценности и многим медицинским свойствам.

Эксперимент 1. Выбор оптимальных режимов экстракции. В ходе экспериментальных исследований кожуру граната влажностью 78% вручную отделяли от семян и сушили конвекционным методом при температуре 500С до достижения влажности 11-13%; Шлифован на оборудовании ИКА А10; количество влаги определяли на анализаторе МВ 45; С объекта было отобрано 6 проб одинаковой массы и экстрагировано в 2 циклах при одинаковых времени и температуре. В 1-м опыте его экстрагировали дистиллированной водой, а во 2-м - 30-процентным спиртовым раствором (30-процентный раствор готовили путем смешивания 96-процентного этанола с дистиллированной водой до достижения плотности 0,9622 г/см³). Лимонная кислота составляет 1% (2,5 г) в каждом экспериментальном растворе. Это оптимально для полного разделения веществ в процессе экстракции. Если разделение проводить при температуре 600С в течение 3 часов, то установлено, что полифенольные вещества (ароматизаторы, красители) полностью переходят в раствор. Плотность экстрактов определяли пикнометром, содержание сухого вещества - рефрактометром (RX5000), кислотность - рН-метром (150MI).

Количество добавок в кожуре граната в дистиллированной воде и водно-спиртовых растворителях при 60⁰С

1% лимон кислота қўшилган, 250 мл дистилланган сув харорати 60 ⁰ С					
Вақт	Намуна	Эритма зичиги, г/см ³	Эритма куруқ модда микдори, brix	Эритма кислоталилиги	Левентал усулида таннин микдори, г/л
2 соат	50 г	1,079	10 %	3,40	14,8
3 соат	50 г	1,084	10,5%	3,35	15
4 соат	50 г	1,086	10,8%	3,33	15,1
1% лимон кислота қўшилган, 250 мл сув-спирт харорати 60 ⁰ С					
2 соат	50 г	1,049	10,6 %	3,35	11,6
3 соат	50 г	1,0494	10,8%	3,23	12,2
4 соат	50 г	1,0496	11,2%	3,20	12,1

Как видно из этой таблицы, экстракция кожуры граната в водном растворе при температуре 60 °С в течение 3 часов является оптимальной средой для извлечения полифенольных, флавоноидных групп.

Эксперимент 2. Определение количества минеральных веществ в кожухах граната.

Материалы и методы исследования.

Спектрометры атомно-абсорбционные Nov AA 350, окислителем марки Preekem Торех+.

Условия проведения испытаний: температура 20,0-22,0⁰С; влажность 45,0-55,0%; давление 730-745 мм.рт.ст.

